БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 177 (18.055). • 1 август 1981 йил, шанба • Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА

БЕШ ЙИЛЛИККА ЮКСАК СУРЪАТ

Икки область мусобақаси:
САМАРҚАНД ВА БУХОРО

БИР-БИРИГА ҲАМКОР

Мусобақадош областларда 1981 йил плани ва мажбуриятларининг бажарилишини текширамиз

Мусобақадош Самарқанд ва Бухоро областларининг дала меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этаётган, қўзга кўринарли зафарларни қўлга киритишмоқда. Бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд деганларидек, ҳар икки область меҳнат аҳли ўзаро ҳамкорлик ва социалистик мусобақани тобора авж олдираётганликлари туфайли бунга эришяптилар.

Маълумки, съездлар йилида Самарқанд области заршунослари она-Ватанга 560 минг тонна, бухороликлар мардимайдонлар эса 580 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини қабул қилишган. Ҳар икки область деҳқонлари баҳор кунларида юз берган табиий офат оқибатларини бартараф этиб, пахта ва бошқа экинлар парваришини кун сайин авж олдиришяпти, чорва учун мўл-кўл озуқа жамғаришяпти.

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг 1981 йилнинг дастлабки олти ойи якунлари бўйича берган маълумотларидан кўриниб турибдики, икки область меҳнаткашлари социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб, дастлабки муваффақиятларни қўлга киритишган. Шу йилнинг 20 июлигача Самарқанд области пахтакорлари ғўза қатор ораларига 6, 7 марта ишлов бердилар, 4,2 марта минерал ўғитлар билан озиқлантирдилар, 2,4 марта суғордилар. Бухороликлар эса бу давр мобайнида ғўза қатор ораларига 7,1 марта ишлов беришга, 5,6 марта минерал ўғитлар билан озиқлантиришга ҳамда 2,1 марта суғоришга муваффақ бўлишди.

Самарқанд областининг чорвадорлари бу йил гўшт етиштириш ҳажмини 41,1 минг тоннага, сут етиштириш ҳажмини 130 минг тоннага, тухум етиштириш ҳажмини эса 92 миллион донага етказишга қарор қилишган. Мўл-кўл озуқа базасига эга бўлмай туриб, бунга эришиш қийин. Шу кунларда самарқандлик чорвадорлар чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш учун қизғин кураш олиб боришяпти. Областда ярим йиллик план бўйича 742 минг тонна дагал озуқа жамғариш кўзда тутилган эди. Бу вазифа 101,5 процентга ado этилди. Сенаж тайёрлаш бўйича олти ойлик якунига кўра Самарқанд областида яхши натижага эришилди. Пландаги 170 минг тонна ўрнига 375,8 минг тонна сенаж бостирилиб, бу борадаги план 221 процентдан ошириб ado этилди. Табиий ўт талқони тайёрлаш бўйича эса областда суст кашликка йўл қўйилди. Бу борадаги олти ойлик план 75,6 процентга бажарилди, холос.

Бу йил Бухоро области чорвадорлари 38 минг тонна гўшт, 71 минг тонна сут, 150 миллион дона тухум етиштириш мажбуриятини қабул қилишган. Хўш, областда чорвачиликнинг озуқа базасини бунёд этиш ишлари қандай бораяпти? Биринчи ярим йилда сенаж бостириш бўйича кўнгилдагидек натижаларга эришилганлиги қувонарлидир. Областда бу даврда пландаги 100 минг тонна ўрнига 121,6 минг тонна сенаж бостирилди. Лекин дагал озуқа тайёрлаш бўйича эса белгиланган ярим йиллик план бажарилмай қолди. Яъни пландаги 617 минг тонна ўрнига 427,8 минг тонна шундай озуқа тайёрлашга эришилди, холос.

Шуни ҳам мамнуният билан айтиб ўтиш лозимки, ҳар икки областда маҳсулдор чорва моллар сонини кўпайтириш борасидаги белгиланган йиллик планлар шараф билан ado этилди. Гўшт, сут тайёрлаш бўйича ҳам кўзга кўринарли натижалар қўлга киритилди.

Шу кунларда қишлоқ аҳли ҳар қачонгидан ҳам зўр матонат ва жасорат кўрсатиб ишламоқда. Пахта далаларида, маккажўхоризорларда, сабзавот ва картошка экилган майдонларда, полиз ва боғларда — ҳамма-ҳамма жойда меҳнат кўтаринкилиги авж олган. Далалардан ҳар куни шаҳарликлар дастурхонига кўплаб ноз-неъматлар юборилиб турилибди.

Ишончимиз комилки, мусобақадош Самарқанд ҳамда Бухоро областлари хўжаликларининг коллективлари социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтариб, зиммаларидаги улкан вазифаларни шараф билан ado этадилар.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ

ЖИЗЗАХ, 31 июль. (ЎзТАГ). Бугун Жиззах область партия комитетининг пленумида КПСС XXVI съездининг қарорлари ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети иккинчи пленумининг қарори асосида кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни янада яхшилаш вазифалари кўриб чиқилди. Область партия комитетининг биринчи секретари Т. Б. Боймиров доклад қилди.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

Республика Ёзувчилар союзининг таклифига биноан Афғонистон ёзувчилари уюшмасининг раиси Асадулло Ҳабиб Ўзбекистон пойтахтига келди. Унинг сафар программасида Ўзбекистон турмуши билан танишиш, қаламкаш биродарлари билан учрашувлар ўтказиш, нашриётчилик ишининг йўлга қўйилишини ўрганиш кўзда тутилган.

(ЎзТАГ).

МАККАЖЎХОРИКОРЛАР РАПОРТИ

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ Ленин йўли районининг меҳнаткашлари КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежнев кўрсатмаларини амалга ошира бориб, ўн биринчи беш йиллик биринчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирдилар. Зиммага олинган мажбуриятларига содиқ бўлган район маккажўхорикорлари ҳосил ўрим-йиғимини нест-нобуд қилмай, уюшқоқлик билан ўтказдилар. Техникани билиб ишлатиш, ҳамма бўғинларда уюшқоқлик билан аниқ ишлаш натижасида ҳосил беш иш кунида йиғиштириб олинди. 1500 гектар маккажўхори майдонининг ҳар гектаридан 91 центнер дон ва 410 центнер бачки олинди.

Бу йил хўжаликда маккажўхоризорлар 40 процент кўпайди. Йиғимда 11 ўрим транспорт отряди, 866 звено қатнашди. Эришилган муваффақиятларга районнинг ҳамма хўжаликлари, айниқса Ленин номли ва СССР 50 йиллиги номли совхозларининг маккажўхорикорлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Кўпчилик маккажўхорикор бригадалар рекорд ҳосил олдилар. СССР 50 йиллиги номли совхоздан Б. Нақучқоров, Р. Тожиев бошчилигидаги, Ленин номли совхоздан Ч. Ҳасанов, Х. Ҳаитов бошчилигидаги, Охунбобоев номли совхоздан Д. Менглибоев бошчилигидаги, Қосим Раҳимов номли совхоздан М. Мордаев бошчилигидаги бригадалар гектар бошига 105—111 центнер дон олдилар.

Бўшаган майдонлар дарҳол ҳайдалиб, такрорий маккажўхори экилмоқда.

(ЎзТАГ).

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ. Зарбдор районидаги «Ғалаба» совхозининг азамат деҳқонлари чўл шароитида пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Бу ерда ғўзалар еппасига ҳосилга кира бошлади. Бригадалар ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақада Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати Зулайҳо Сатторова бошлиқ коллектив пешқадамлик қилмоқда. Чўлқувар бошчилик қилаётган бригада аъзолари шўрхок ерларнинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта хирмони кўтаришга қарор қилишган.

— Ғўзани машинабоп қилиб ўстиряпмиз, — дейди Зулайҳо Сатторова. — Етиштирилган ҳосилнинг деярли ҳаммасини агрегатлар ёрдамида териб оламиз. Бу ишда мен ўзим ҳам фаол қатнашишга аҳд қилганман. Суратда: бригада бошлиғи З. Сатторова.

А. Тўраев фотоси.

РЕДАКТОР КОЛОНКАСИ

КИЧКИНТОЙЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛАЙЛИК

«Оилада фарзанд туғилди. Ҳали яқиндагина келин-куёвлар учун сел тараддудида юришган бува билан бувилар кеварали бўлишганидан беҳад хурсанд. Бугун улар туғруқхонадан янги меҳмонни олиб келишга тайёрланишяпти. Чақалоқ учун сеп олдиндан ҳозирлаб қўйилган бўлса-ку яхши, акс ҳолда шу куида чолу кампирнинг аҳволига вой. Чунки, Тошкентдай шаҳри азимда ҳам невара кўрган чолу кампир бундай нарсани «Болалар дунёси» магазинларидан шундоққина бораману оламан деб овора бўлади.

Ҳа, овора бўлади. Негаки, биргина Тошкентда болалар учун моллар сотишга ихтисослашган савдо тармоқларига келаётган конверт туғилаётган болалар сонига тақсимланганда яримтадан ҳам етмайди. Шаҳардаги «Болалар дунёси» магазинларига, масалан, 1981 йил биринчи ярмида 10 минг дона конверт келтирилган. Ваҳолонки, шу давр ичида шаҳарда 18 мингга яқин фарзанд туғилди. Магазинларнинг пештахталарига чиқарилган буюмларнинг анчагина қисми шаҳарга келадиган кўп сонли меҳмонлар томонидан харид қилиб кетилишини ҳисобга оладиган бўлсак, рақамлар нисбати баркбир болалар фойдасига ўзгармайди, аксинча яна ҳам ёмонлашади».

Газетхонлардан Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукумати мамлакатимиз аҳолиси ва айниқса унинг ёш гражданлари ҳақида, уларнинг фаровон турмуши ҳақида беқиёс кўп ғамхўрлик кўрсатаётганлиги хусусида дил тўла қувонч билан ёзилган мактубларидан ташқари баъзан ана шундай тарздаги хатлар ҳам келиб туради. Чиндан ҳам «Ҳамма яхши нарсалар — болаларга!» деган ленинча шиор партиямизнинг биринчи даражали амалий ишига айланиб қолган. Ҳар йили болалар учун кўплаб муҳташам қасрлар — пионерлар ва ўқувчилар саройлари, пионер лагерлари ва пансионатлар, санаторийлар ва бошқа хилдаги даволаниш муассасалари барпо этилмоқда. Болалар боғча ва яслилари, мактаблар ва бошқа хилдаги маърифатхоналар ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Республикамизда ҳам кейинги йилларда болалар учун товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг ассортиментини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш бўйича муайян ишлар амалга оширилган, оширилмоқда ҳам. Лекин юқорида газетхонлар ҳатидан келтирилган аччиқ ҳақиқатни тан олган ҳолда шуни қайд этиш керакки, болалар учун товарлар ишлаб чиқарадиган корхоналар коча туғилган чақалоқ олдидаги қарзини бугунок узолмаяпти. Мана бир мисол. Республикамизда 1981 йилнинг биринчи ярмида болалар учун олти ойлик пландагидан 33 минг дона кўйлак, 43 минг дона ўқувчилар формаси, 27 минг дона устки ва 104 минг дона ички трикотаж, 76 минг дона пайпоқ кам чиқарилган.

Конверт ва чақалоқ сепи эса мутлақо статистика органларида ҳатто алоҳида ҳисобга ҳам олинмайди. Шуни айтиш керакки, болалар учун мўлжалланган маҳсулот ҳаммида уларнинг салмоғи қуда ҳам кам. Республикамизда фақат биргина жойда — Тошкент бадиий буюмлар фабрикасида йилига бор-йўғи 46 мингдан сал ошиқ конверт ишлаб чиқарилади, Қўқондаги Охунбобоев номли фабрикада эса йилига 180 мингта комплект чақалоқ сепи ишлаб чиқарилади, холос. Уларнинг сифати ҳам айтарлиқча яхши эмас. Ўзбекистон ССР Енгил ва Маҳаллий саноат министрликлари умуман болалар учун кийим-кечак ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилашга эришган ҳолда, чақалоқ сепи ҳақида ҳам қайғуришса ёмон бўлмасди.

АГРАР ФАННИНГ АКТУАЛ ВАЗИФАЛАРИ

31 июль куни В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг Ўрта Осиё бўлимида бўлиб ўтган кенгаш аграрчи олимлар иш самарадорлиги ва сифатини юксалтириш, улар олиб бораётган тадқиқотларни ишлаб чиқариш билан алоқаларини янада ҳам мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик фанининг КПСС XXVI съезди қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари асосида озиқ-овқат программасини ишлаб чиқишга қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш масалаларига бағишланди. Кенгашда ВАСХНИЛнинг Ўзбекистон территориясида жойлашган институтлари олимлари, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси муассасаларининг вакиллари, республикада қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғланган министрликлар ва идораларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Кенгашда пахтачиликни интенсив ривожлантириш дон, сабзавот, мева ва узум, чорвачилик маҳсулотлари ва озуқа етиштиришни илмий таъминлаш билан, қишлоқ хўжалиги барча тармоқларини тез тараққий эттириш билан боғланган масалалар кўриб чиқилди. ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими президиумининг раиси, ВАСХНИЛ академиги С. Х. Иўлдошев, Г. С. Зайцев номли Ғўза селекцияси ва уруғчилиги институтининг директори ВАСХНИЛ академиги С. М. Мираҳмедов, Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институтининг директори ВАСХНИЛ мухбир аъзоси С. Н. Алимуҳамедов, Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг директори ВАСХНИЛ мухбир-аъзоси Ш. А. Акмалхонов, Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти озуқа етиштириш бўлимининг мудири А. С. Ҳолиқов, Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтининг директори А. Х. Хожиев, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри А. А. Уркинбоев, Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институти филиали директорининг ўринбосари В. П. Горбунов, Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг директори А. Х. Ҳожиев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги М. В. Муҳаммаджонов бугунги кунда партия мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари аграрчи олимлар олдига қўйган вазифалар республиканинг илмий коллективларида амалда қандай ҳал этилаётганлигини гапириб бердилар.

Ўзбекистонда илм-фанни тез тараққий эттириш учун ҳамма шароитлар яратилган. Республика олимлари практика қўлётган гоят муҳим вазифаларни ҳал этишга қодир эканликларини амалда исбот этдилар, улар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ҳамма тармоқларини ривожлантиришга, аввало пахта етиштиришни муттасил кўпайтиришга сезиларли ҳисса қўшдилар. Улар яратган серҳосил навлар деҳқонларга ўтган беш йилликнинг охирги йилида эзгу орзу — Ватанга 6 миллион тоннадан кўп Ўзбекистон «оқ олтини»ни етказиб бериш орзусига эришишга имкон берди, юксак деҳқончилик маданиятини таъминловчи аграр усуллар комплекси ишлаб чиқилди, барча қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини, чорва маҳсулдорлигини, ҳамма турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни планли равишда оширувчи таъсирли йўллари топилди.

Кенгашда бугунги кунда қилинган ишлар етарли эмаслиги айтиб ўтилди. Халқ манфаатлари, жумладан партия олга сурган озиқ-овқат программаси тадқиқотчилар қишлоқ хўжалик практикасининг муҳим масаласини ҳал этишга куч-ғайрат сарфлашларини тақозо этади, улар олдига янги янада мураккаб вазифалар қўяди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов катта нутқ сўзлади. У республика аграрчи олимларининг КПСС XXVI съезди қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежнев кўрсатмаларидан келиб чиқувчи вазифаларини батафсил таърифлаб берди.

Қишлоқ хўжалигини янада интенсивлаш юзасидан партия белгилаб берган йўл озиқ-овқат программасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш аграр фаннинг ролини кучайтириш, унинг қишлоқ хўжалик практикаси билан алоқасини мустаҳкамлашга бевосита боғланган. Шу беш йилликда Ўзбекистон мамлакатда пахта етиштиришни 30 миллион тоннага етказиши, энг қимматли ингичка толали пахта етиштиришни икки баравар кўпайтириши керак. Республикадаги асосий қишлоқ хўжалик экини уруғчилиги ва селекциясини тубдан яхшилаш лозим. Ҳамма ерда яхшилаб тозаланган, юксак кондициядаги уруғлик навлари экилмоғи зарур. Пахтачиликдаги янги марралар янада серҳосил, тезпишар, касалликларга ва қишлоқ хўжалигининг зараркунандаларига комплекс ҳолда бардош бера оладиган, машинада парвариш қилиш ва териб олишга мослашган, сифати яхшиланган кўпроқ тола берадиган янги навларни ҳам талаб қилади.

Олимлар ва конструкторлар пахтакорларни юксак самарали машиналар билан таъминлашга куч-ғайрат сарфлашлари лозим. Чигитнинг аниқ экадиган гоят сифатли сеялкалар ишлаб чиқаришни кўпайтириш керак. Бу нарса уруғлик материал сарфини камайтиришга имкон беради ва ғўза парвариши чоғида деҳқонлар меҳнатини енгиллаштиради. Деҳқонларнинг бугунги талабига мос бошқа хил янги сергунум механизмлар, ўзи юрадиган пахта териш комбайнлари ҳам пахтакорларга гоятда зарур. Республикада бундай техника ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ҳамма имкониятлар бор, шулардан тўлароқ фойдаланиш зарур.

Ерга, унинг унумдорлигини оширишга олимлар алоҳида эътибор беришлари керак. Агротехниками муттасил такомиллаштириб бориш, деҳқончилик юксак маданиятини таъминлайдиган комплекс чоралар системасини яратиш, маҳаллий ўғитларни янада кўпроқ қўлдамда ишлатишни назарда тутган ҳолда ўғитдан фойдаланишнинг энг мақбул режимларини ишлаб чиқиш керак. Ерни ортиқча химиявий воситалардан асраш, дала ҳосилдорлигини ошириш учун курашда ишлаб чиқаришда самарали ва атроф-муҳит учун безарар биологик методларни кенгроқ қўллаш лозим. Ҳамма жойда ерларнинг илмий асосда мелиорация қилинишини таъминлаш керак.

Республикада чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган илмий счимларнинг муҳимлиги таъкидлаб ўтилди. Гўшт, сут, жун, тухум, бу тармоқдаги бошқа маҳсулотлар етиштиришни йил сайин кўпайтириб бориш учун чорва ва парранда юксак маҳсулдорлигининг негизи бўлган наслчилик ишини гоят жиддий тарзда яхшилаш, чорва зотини муттасил яхшилаб бориш, мавжуд молларни пухта озуқа база си билан таъминлаш зарур. Шу билан бирга республикада витаминли озуқа ва ширадор озуқа етиштиришни кенгайтиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Ш. Р. Рашидов олимларнинг республикада кўпроқ дон, картошка, сабзавот ва мева, узум етиштириш ва тайёрлашни таъминлаш билан боғлиқ вазифаларига батафсил тўхталди. Бунинг учун республиканинг барча областларида, ҳамма хўжаликларида катта резервлар бор.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Е. А. Айтмуротов, Л. И. Греков, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. С. Ашуралиев қатнашдилар.

* * *

Кенгаш қатнашчилари шу куни ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимида ташкил этилган ва республика коллективлари фаолиятини акс эттирувчи кўргазмани томоша қилдилар. Кўргазма экспонатлари ўзбек диёрининг ҳали саховати кўплигидан, ижодкор инсон уни янада бойитишга қодирлигидан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари партия белгилаб берган озиқ-овқат программасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ҳисса қўшишлари мумкинлиги ҳамда бу ҳиссани анча оширишлари кераклигидан далолат беради. Кўргазма кўздан кечирилаётганда олимлар тушунтириш бериб турдилар. (ЎзТАГ).

КРАСНОЯРСК ТЕАТРИГА — ФАХРИЙ ЁРЛИҚ

Тошкентда ўз гастролларини ниҳоясига етказган Красноярск оперетта театрининг концерт программасида таниқли совет ва чет эл композиторлари музикали комедияларининг қаҳрамонлари учрашдилар. Томошабинлар Ж. Оффенбах ва Ю. Милютиннинг, И. Штраус, ва В. Гроховскийнинг, И. Кальман, Г. Цабадзе, Ю. Таларчикнинг Ўзбекистон пойтахти аҳолиси ва меҳмонларига ёқиб қолган асарларидан парчаларни самимий кутиб олдилар.

Красноярск саҳна усталарининг гастроллари бир ой давом этди. Шу вақт ичида меҳмонлар олтмиш бешта спектакль кўрсатдилар. Артистлар Тошкент трактор заводи, уйсозлик комбинатининг меҳнаткашлари билан, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчи ва хизматчилари билан ижодий учрашувлар ҳам ўтказдилар. Улар Совет Армияси жангчилари ҳузурида оталик концертлари ҳам қўйиб бердилар.

Кўп миллатли совет музика маданиятини пропаганда қилиш ва бойитишда муҳим роль ўйнаган, республика меҳнаткашларини бадиий эстетик тарбиялашга актив кўмаклашган гастролларни муваффақиятли ўтказгандиги учун Красноярск оперетта театри Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев якунловчи концерт томошабинларининг қарсаклари остида театрга мукофотни топширди. У коллективга янги ижодий муваффақиятлар тилади.

Кечада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Умаров иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республиканинг юстиция органларида социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашда кўп йил самарали ишлаганлиги учун Тошкент шаҳар Фрунзе район юридик консультациясининг адвокати ўртоқ Иза Аронович **Либуга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист»** фахрий унвони берди.

* * *

Қишлоқ хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганликлари ҳамда СССР ўсимликлар карантин хизмати ташкил этилган кунининг 50 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларига мувофиқ Наманган область ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг агроном инспектори ўртоқ Камолхон **Бадриддинов**, Андижон область ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг агроном инспектори ўртоқ Петр Петрович **Калиников**, Тошкент область ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг бошлиғи Екатерина Васильевна **Мнинна** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими»** фахрий унвони берилди. СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг Ўзбекистон ССР бўйича ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг бир группа ходимлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Ўнинчи беш йиллик план топшириқларининг бажарилишини таъминлашда эришган муваффақиятлари, республика давлат статистикаси органларида кўп йил самарали ишлаганликлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларига мувофиқ Фарғона область Киров район информация-ҳисоблаш станциясининг бошлиғи ўртоқ Нурмат **Бегматовга**, Наманган область Чортоқ район информация-ҳисоблаш станцияси бошлиғи ўртоқ Камол **Ҳамроевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист»** фахрий унвони берилди. Республика давлат статистика органларининг бир группа ходимлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми темир йўл транспортида кўп йил ишлаганлиги, Тошкент метрополитенини қуришдаги хизматлари учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитени йўл хизмати ва тоннель иншоотлари бошлиғи ўртоқ Ҳабир Зоҳидович **Усмоновга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика сув хўжалиги ташкилотларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети моддий-техника таъминоти ва комплектлаш бош бошқармаси бўлимининг бошлиғи ўртоқ Сруль Лейбович **Розенблитни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

БОҒБОНЛАР ҒАЛАБАСИ

Тошкент районининг меҳнаткашлари КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, ўн биринчи беш йиллик биринчи йили планлари ва топшириқларини муваффақиятли бажариш юзасидан социалистик мусобақани кенг авж олдириб, **давлатга ҳўл мева сотиш планини муддатидан илгари 30 июлда бажардилар. 4020 тонна ҳўл мева топширилди.**

А. Навоий, С. Раҳимов, К. Маркс, Ленин номли колхозлар, «Тошкент» ва «Ленинград» совхозлари ҳўл мева етиштириш ва давлатга сотишда энг катта муваффақиятларга эришдилар.

Абдураҳмонов номли совхоздан ўртоқ Р. Рихсибоев, К. Маркс номли колхоздан Ж. Ваҳобов. «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозидан Т. Арслонова, А. Навоий номли колхоздан Т. Маҳмудов, С. Раҳимов номли колхоздан Г. Тиллаев бошчилигидаги бригадалар мўл ҳосил етиштирдилар. Улар гектар бошига 40—50 центнер ҳўл мева олишди.

Район боғбонлари шу йил яна 4 минг тонна ҳўл мева топширишиб, икки йиллик планни бажариш мажбуриятини олдилар.

Редакция почтасидан

МЕҲНАТКАШЛАР ХАТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ТАЖРИБАСИДАН

МЕҲРИБОН ВА СЕЗГИР БЎЛАЙЛИК

Область Совети ижроия комитети меҳнаткашлар хатлари билан ишлаш ва гражданларни қабул қилиш ишига доимий эътибор бериб келмоқда. Оближроком, унинг бошқармалари ҳамда бўлимларига, шаҳар ва район ижроия комитетларига меҳнаткашлардан ҳар куни қимматли таклиф-истаклар билдирилган хатлар, шахсий ва жамоатчилик характеридаги ариза-шикоятлар келади. Олинаётган хатларнинг кўпчилигида умумпартиявий ва умумдавлат аҳамиятига молик бўлган масалалар кўтарилиши диққатга сазовордир.

Оближроком партия XXVI съезди қарорларини ҳаётга татбиқ эта бориб, гражданлар хатлари билан ишлашни бирмунча яхшилашга эришди. Бу масалалар ижроком кенгашларида, маҳаллий совет сессияларида кўпроқ муҳокама қилинмоқда. Фақат кейинги бир ярим йил мобайнида район ва шаҳар советлари сессияларида бу масала ўттиз бир марта муҳокама қилинди.

Область ижроия комитети ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXVI съездида қилган Ҳисобот докладидаги кўрсатмаларига қатъий амал қилган ҳолда ишни ташкил қилишга ҳаракат қилаётир.

Хатлар билан ишлашда Денов шаҳар ижрокоми, Ленин йўли, Жарқўрғон, Ангор район ижрокомлари муайян ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Юқоридаги ташкилотларда хатлар белгиланган қатъий график асосида кўриб чиқилади ва ҳар бир масала объектив равишда ҳал қилинишига эришилади. Шунинг учун ҳам бу районларда бир масала юзасидан иккинчи марта шикоят тушмайди. Денов районидаги Ҳазарбоғ қишлоқ Советида эса гражданларни улар учун қулай бўлган вақтларда қабул қилиш тажрибаси яхши самара беряпти. Меҳнаткашларни қабул қилиш ишларига кўп сонли депутатлар, актиблар, ижрокомнинг масъул ходимлари жалб қилинган. Ойига бир марта огзаки мурожаатлар, аризалар, таклифлар юзасидан амалга оширилган ишлар чуқур таҳлил қилинади. Шу боисдан бўлса керак меҳнаткашлардан олинаётган шикоятлар анча камайди.

Хатлар билан ишлаш ва гражданларни қабул қилиш ишлари оближроком Совети, унинг бошқармалари ва халқ контроли комитетлари томонидан қатъий назорат остига олинган. Меҳнаткашлар овозига, истак-таклифларига принципиал муносабатда бўлмаган шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўрилмоқда. Кейинги бир ярим йил ичид оближроком кенгашларида ўн саккиз бошқарма ва бўлим раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Бу тадбирлар шуни кўрсатдики, айрим жойларда ташкилий ишлар яхши йўлга қўйилмаган. Қурилиш муассасаларида хўжасизлик ҳолларига йўл қўйилмоқда. Фойдаланишга топширилган уй-жойлар талабга тўла жавоб бермайди. Комиссия томонидан яхши баҳоланиб, қабул қилинган уй-жойларда канализация, водопровод ва газдан фойдаланиш қонунларсиз аҳволда. Шунингдек, шикоятлар орасида медицина хизматининг яхши йўлга қўйилмаганлиги тўғрисидаги сигналлар ҳам бор. Меҳнат қонунларини бузувчи айрим шахслар тўғрисида ёзилган шикоятлар ҳам учраб туради. Масалан, «Дашнобод» совхози ишчиси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси К. Шукуров қонунсиз ишдан бўшатилгани тўғрисидаги хати текшириб кўрилганда у ҳақ бўлиб чиқди. Орадан икки ой ўтгач, у яна ўз ишига жойлаштирилди. Айбдорлар қаттиқ жазоланди. Бироқ, аризачининг бу масалада қанча сарсон бўлгани, қалби жароҳатланганини ҳисобга олсак, бир раҳбарнинг масъулиятсизлиги қанчалик қимматга тушганини билиш қийин эмас.

КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори оближроком фаолияти учун дастурламал бўлиб хизмат қилмоқда. Унда, жумладан, «танқидни бўғишга, хат авторларини таъқиб этишга, мансабдор шахсларнинг ноўғри ишларини ва суиистеъмолларига баҳо беришда бюрократчилик, сансалорлик, принципсизлик фактларига қатъий барҳам берилсин» деб алоҳида таъкидланади. Шу мақсада олинган шикоятлар аҳолининг истиқомат жойларига бориб текширилаётир, таклифлар, танқидий мулоҳазалар, колхоз ва совхозлар аҳли мажлисларида ва бошқа йиғинларда муҳокамага қўйилмоқда.

Ўтган йил ва шу йилнинг беш ойи мобайнида шаҳардаги район ижроия комитетлари томонидан 3624 та хат кўриб чиқилди ва турли масалалар бўйича саккиз мингдан зиёдроқ граждан қабул қилинди.

Оближрокомда гражданларни белгиланган графикларда қабул қилиш одатга айланиб қолган. Бу ишда Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ч. Алматов кўпчиликка ўрнак бўлаётир. Денов, Қумқўрғон шаҳар ижроия комитетлари, Ленин йўли, Ангор район ижрокомларида гражданларни қабул қилиш ишдан ташқари вақтларга белгиланган. Ҳамма жойда ҳам меҳнаткашлар хатларига шундай муносабатда бўлиняпти, дейиш қийин. Масалан, область автомобиль трести, область алоқа ишлаб чиқариш бошқармаси, Бойсун, Сариосиё, Қумқўрғон ва Термиз район ижрокомлари фаолиятида шундай фактларни учратиш мумкин.

Кейинги вақтларда олинаётган хатларда ва огзаки мурожаатларда меҳнаткашлар партиямизнинг муҳим қарорлари, тадбирлари юзасидан, экономикамизнинг юксак самарадорликка эришиш йўллари ҳамда меҳнат коллективларининг социалистик мажбуриятларини бажарганликлари тўғрисидаги меҳнат рапортлари, халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш, иш сифатини ошириш каби қатор қимматли фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Ана шу истак-таклифларни ўрганиш, уларни кенгроқ ҳаётга татбиқ этиш — умумий ишимизга катта манфаат келтириши шубҳасиз. Биз бугунги ишимизда ана шуларни муҳим вазифалардан бири деб билиб, бундан кейин ҳам гражданларнинг хатларини билан ишлаш ва уларни қабул қилишни ташкил этиш борасида орттирилган тажрибаларни такомиллаштириб бораверамиз.

Н. ТУРОПОВ.
Сурхондарё область Совети ижроия комитети раиси.

* ҲАР БИР ХАТ ЗАМИРИДА ИНСОН БОР.

* ЎЛКАМИЗНИ БОҒУ БУСТОНГА АЙЛАНТИРИШ — ҲАММАМИЗНИНГ ШАРАФЛИ БУРЧИМИЗ

* ҚУРИҚДА КАМОЛ ТОПАЁТГАНЛАР

* НОН АЗИЗ, УНИ ҚАДРЛАЙЛИК!

* ШАХСИЙ НАМУНА КЎРСАТИБ

Қорақалпоғистон автоном республикаси. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Норбой Рўзимбетов Тўртқўл районидаги «Коммунизм» колхозининг тажрибакор пахтакорларидан саналади. У кўп йиллардан буён бригадага бошчилик қилиб келмоқда.

Ленин ордени ҳамда Қизил Байроқ ордени кавалери Норбой Рўзимбетов пенсияга чиққан бўлишига қарамасдан, ўз ишини давом эттиряпти. Суратда: (чапда) Норбой Рўзимбетов пенсия олмоқда. Унгда бухгалтер Отажон Таганқиличев.

А. Усмонов фотоси. (ЎзТАГ).

ОЛҚИШ

ОЛГАН ЙИГИТЛАР

Томск шаҳридаги бўлинмамизда иттифоқимизнинг турли бурчакларидан ҳарбий хизматга чақирилган ўнга яқин миллат вакиллари хизмат қилишади. Улар қисқа фурсатда бир-бирлари билан иноқлашиб кетдилар. Хизмат қилувчилар орасида меҳнатсевар ўзбекистонлик ёшлар ҳам талайгина. Улар юксак сиёсий ва жисмоний тайёргарлиги, интернационал бурчга садоқатлилиги билан ажралиб туришади.

Яқинда бўлиб ўтган бўлинмамиз партия бюроси оддий солдатлар Абдуҳамид Абдуллаев ва Ражаббой Қурбоновни бир овоздан партия аъзолигига кандидат қилиб қабул қилди. Сержант Муҳаммаджон Каримов командирлик қилаётган энг яхши бўлинмага эса КПСС XXVI съезди номи берилди. Коммунистик меҳнат зарбдори ҳисобланган бу коллектив ишлаб чиқариш планларини доимо 140 процентдан ошириб бажариб келади. М. Каримовнинг ўзи шахсий намуна кўрсатиб план-топшириқларини 145—160 процентдан уддаламоқда. Пропагандист Анвар Мирзаев эса меҳнатдаги муваффақиятлари учун «Коммунистик меҳнат зарбдори» унвонига сазовор бўлди. Бундай меҳнатсевар ўзбек йигитлари билан бўлинмамиз коллективи ҳақли равишда фахрланади. Ватан солдати шаънига гард юқтирмай, бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган кўпгина ўзбек жангчилари суратлари бўлинмамиз «Ҳурмат тахтаси»дан ўрин олган.

Меҳмондўст, дилкаш ўзбек оилаларидан бири — Бурҳон Бўронов оиласи билан яқиндан танишман. Оила аъзолари билан фарзандлари ҳақида суҳбатлашганман. Оилага бўлган меҳрим янада ортди. Бу серқуёш ўлканинг хонадонлари ўз уйимдек, одамлари қадрдон, азиз бўлиб туюлди. — Бурҳон ака кўп йиллардан бери шофёр бўлиб ишларкан. Унинг тўрт ўғли, бир қизи бор экан.

Яқинда ҳарбий хизматга чақирилган иккинчи ўғли Баҳодир акаси Абдуғани билан бирга хизмат қилиш истагини билдириб ҳарбий комиссариатга ариза бериби. Аризаси иноватга олинган йигитни армияга кузатиш маросими байрам тусини олди. Тўғри, улар ўғлининг аёзли Сибирга кетаётганини, бу ерда анча қийинчиликларга дуч келишини, лекин акасидек довюрак ўғлининг барча қийинчиликларни енгишини ҳам билишади. Абдуғанидек олижаноб, қийинчиликлардан чўчимайдиган меҳнатсевар фарзандларни тарбиялаб воғга етказаётган шундай оилаларга, ота-оналарга чин юракдан «тарбиянгиз учун катта раҳмат» деймиз.

П. ҚУЛМАНАКОВ.

БАХТ

Чўлқуварлар ҳаётидан

Дунёда нима кўп — тасодиф кўп. Бизнинг бу оилавий тантанада иштирок этиб қолишимиз ҳам оддий бир тасодиф бўлди.

Совхоз партия комитетининг секретари билан дала айланиб қайтар эканмиз, йўл ёқасидаги хонадонлардан бирида шўх ўйин-кулги бўлаётганига кўзимиз тушди.

— Учраб ўтсакмикан! — таклиф қилди ҳамроҳим.

— Тўй эмасми ўзи!

— Йўқ, — жилмайди у, — тўйдан ҳам яхшироқ маросим Деҳқоновлар оиласи чўлга кўчиб келганига йигирма йил бўлганини нишонлаяпти.

Қишлоқ фельдшери Абдуҳалил Деҳқоновнинг ҳовлиси байрамдагидек безатилган, оилaнинг яқин қариндошлари, таниш-билиш тўпланишган эди.

— Ҳурматли Абдуҳалил ака ва Турсунхон опа, — деди сўз олган таниқли бригадир, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Исмонжон Садриддинов, — чўлга келганингизга ҳам йигирма йил тўлибди. Аммо бу йиллар сиз учун сиёнов йиллари, камолот йиллари бўлди. Мен оилангизга кўпдан-кўп сиҳат-саломатлик, каттадан-катта бахт тилайман...

Шундан сўнг кўпи-қўшиллар, таниш-билишлар сўз олишди. Оилавий тантана давом этди. Абдуҳалил ака ва Турсунхон опанинг кўзларида ёш кўринди. Бу қувонч ёшлари учун уларни ким ҳам айбларди!

...Ўшанда ҳаммаёқ яйдоқ чўл, қум барханлари, чакалакзор, қамишзордан иборат эди. Марказий Фарғонанинг кўпгина қисми бундан йигирма йиллар аввал ана шундай манзара касб этарди.

Фельдшер дипломига эга бўлган ёш мутахассис йўлланма билан бу ерга келди. Турмуш ўртоғи билан бирганликда чўлқуварлар учун омонатгина қурилган гувалак уйлардан бирига кўчиб киришди. Ўша пайтда қишлоқда на касалхона, на фельдшерлик пункти бор эди. Ёш шифокор медицинанинг кичкина бўлса ҳам ўчоғини очиш мақсадида дам Бўзга, район марказига, дам Андижонга югурди. Турсунхон эса совхознинг пахтачилик бригадасида ишлай бошлади.

Йиллар ўтди. Кичкина хўжаликлар катта-катта совхозларга бирлашиб, чўлга ёппасига ҳужум бошланди. Бу ерда ҳам «Партия XXIV съезди» совхози ташкил этилиб, унга машҳур механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳафиз Полвонов директор қилиб тайинланди. Совхозда қатор-қатор уйлар, меданий-маиший биноларга, шу жумладан, фельдшерлик-акушерлик пункти ҳам қурилди.

Турсунхон хўжаликда моҳир пиллакор сифатида таниилди. Ҳозир ҳам хўжаликдаги «мана мен» деган машҳур пилла-корлар билан беллаша олади. У район Советининг депутати ҳамдир.

Оила ҳозир совхоз томонидан қурилган барча қулайликларга эга бўлган уйда яшайди.

Киши ўзининг катта ҳаёт йўлида дамба-дам ортига назар ташлайди. Бажарган ишларига, ўз ҳаётига баҳо беради. Ҳозир Абдуҳалил ака ҳам ўз ҳаёт йўлига назар ташлар экан, бундан йигирма йил аввал чўлга келиб, тўғри иш қилганини эътироф этади. Дарҳақиқат бу ерда у инсон сифатида камол топди. Обрў-эътибор орттирди, «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотланди, «СССР соғлиқни сақлаш аълочиси» деган фахрли унвон берилди унга. Ҳамқишлоқлари М. Маликова, А. Раҳимов, М. Солнева ва бошқаларнинг таклиф-мулоҳазалар дафтарида ёзиб қолдирган дастхатларида қишлоқ фельдшери номига илиқ сўзлар айтилган.

Фарзандлар ҳам бирин-кетин катта ҳаёт йўлига чиқиб бораётирлар Юлдузхон институтни битириб, ўқитувчилик қилаётир. Ғазина ва Муяссар ота касбини эгаллашди. —шифокор бўлишди Давронбек Андижон қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумида таҳсил кўраётир.

«Қўрик... кишилар қўрикни очдилар, қўриқ эса кишиларни камолга етказди», деб таърифлаган эди ўртоқ Леонид Ильич Брежнев. Деҳқоновлар оиласининг ҳаёт йўли эса бунга ёрқин мисолдир.

Қ. СОБИРОВ,
Комсомолобод районы.

НОН ҚАЛБ ЖАВҲАРИ

Эл наздида кўп улуғ нон,
Дон ундирар бобо деҳқон.
Эл тўкилгги шу нон билан,
Ризқ-рўз ичра нон — бош карвон.

Нон мўътабар, неъмат бошн,
Одамлиқнинг тамал тошн.
Азал-азал одамзоднинг —
Бел қуввати, ҳам йўлдошн.

Нондай азиз увоғи ҳам,
Қанддан лазиз ушоғи ҳам.
Тўтиёдир кўзларингга —
Бугдон унган тупроғи ҳам.

Нонга ихлос — қалб жавҳари,
Нон эъзози — дил гавҳари.
Бошга қўйгай катта-кичик,
Емишларнинг нон сарвари.

Эъзозлаган нон увоғин,
Қадрлаган нон ушоғин —
Бўлгай доим нондай азиз,
Бўлгай мудом нондай лазиз!

Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ.

БАХТИЁР ОИЛАЛАРНИНГ БИРИ

ҲАЁТ НАШИДАСИ

ЛАВҲА

Кечки ёқимли шабада гулларнинг муаттар ҳидини димоққа уриб, дилга ажиб ором бағишлайди. Кенг ҳовли саҳнида болалар ўйнаб юришибди. Радиоладан дилрабо қўшиқ янграмоқда. Бугун Муҳаррам опанинг ҳаракатлари ҳар кунгидан ҳам чаққон, аллақачон кечки овқатга уннаб юборган Қизи эса унга ёрдамлашяпти, икковлари елиб-югурибди дастурхон тузашди. Ҳовлига ҳорғин кириб келган Жуман ота ўтирмасданоқ сўради:

— Болаларинг келдими, онаси?

— Йўқ, ҳализамон келиб қолишар, — жавоб берди у.

Ота бир пиёла чой ичди-да, қўлига қайчи олиб ҳовлидаги дарахтларга ишлов бера бошлади. Қўллари ишда-ю, хаёли Қаршида яшаётган ўғли Эрназарда эди. «Одам қариганда болаларига жуда суяниб қоларкан, ўйлади у. Уларнинг ташвиши сенинг ҳам ташвишинг, қувончи сенинг ҳам қувончинг бўларкан». Шу пайт кўчада машина овози эшитилди. Жуман ота шошиб қолди Дарвозаден ўғли Эрназар, келини Башоратхон болаларини етаклаб кириб келишди.

— Болаларим, омонмисизлар, — деди у ўғли билан кучоқлашиб кўришаркан, —келмай қоласизларми, деб хавотирда эдим.

— Байрамни сизларсиз ўтказармидик, дадажон, — деди келини Башоратхон, — йўлда озроқ ушланиб қолдик. Байрамларингиз қутлуғ бўлсин.

Дарвоқе, Жуман ота Маҳмудов оиласи Шаҳрисаба районидаги «Шаҳрисаба» колхозида истиқомат қилаётган бахтиёр оилалардан бири. Унинг тўққиз фарзанди — тўрт ўғли ва беш қизи бор. Бу оила аъзоларининг ҳамиша иноқ ва ахиллиги кўпчилик ҳавас қилади.

Меҳнат қилган элда азиз, дейдилар. Оила бошлиғи Жуман ота камтарин меҳнати билан обрў-эътибор топди. Она ерга меҳри, табаррук заминни ардоклаганлиги унга чинакам бахт келтирди. У бебаҳо ерни эъзозлади, эл эса уни. Хўжаликнинг дастлабки юксалиш йилларида пахтачиликни ривожлантиришга, ҳосилдорликни оширишга муносиб ҳисса қўшди. У пахта илмида билагонлиги, ташаббускорлиги ва халол меҳнати туфайли бир неча бор партия ва ҳукуматимизнинг юксак мукофотларини олишга сазовор бўлди. 1957 йилда «ок олтин»дан энг юқори ҳосил етиштирганлиги учун унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Кекса пахтакор Жуман отанинг кўксини учта Ленин, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари ва қатор медаллар безади. У бир неча марта Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг олтин медалларини олишга муяссар бўлди. Ахир, у биргина Шаҳрисабз районидагина эмас Қашқадарё областида машҳур пахта усталари сифатида ном қозонган ҳамқишлоқлари, Социалистик Меҳнат Қаҳремонлари Жўра Элбоев, Шароф Холов, Зайнаб Хушимова, колхоз тузумининг жонкуярлари, меҳнат ветеранлари Неъмат Эргашев, Абдулла Рустамов кабилар билан ҳамкорликда хўжалик иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган заҳматкаш деҳқон эди.

Оиланинг меҳрибон соҳибаси Муҳаррам опа колхозда фидокорона меҳнат қилди. Болалари тарбиясига ҳам, хўжалик ишларига ҳам вақт топди. Далада ишлаш билан бирга ҳар йили 2—3 қутиден ипак қуртини парвариш қилди. Съездлар йилида ҳам пенсияда бўлишига қарамай, уч қути ипак қуртини меҳр билан парваришлаб, ҳар қутисидан 110 килограммдан «кумуш тола» етиштирди.

Ота-оналаридаги меҳнатсеварлик фазилати болаларига ҳам кўчди. Ўғил-қизлари одоблилиги, камтаринлиги билан маҳаллада обрў-эътиборли.

Томчида қуёш акс этганидек, бу бахтиёр оиланинг турмуш фаровонлигида, камоли бахтида совет турмуш тарзининг ёркин тантанасини кўриш мумкин. Бағри бутун, кўнгли тўқ, рўзғорлари бут. Улар замонавий типдаги кенг ва ёруғ уйда истиқомат қилишади. Совет замонаси берган ҳар бир қулайлик ва имкониятдан баҳраманд бўлишяпти. Ўтган йили колхоз правленеси ва партия комитети Жуман ота Маҳмудовни пенсияга узатиш маросимини ўтказди. Унга енгил автомашина тақдим этилди. Лекин отахон пенсияда бўлса ҳам севимли даласини тарк этмади. Ҳозир хўжаликда боғдорчилик агрономи бўлиб ишлаяпти. Чунки ҳақиқий инсон бахтини, истиқболини фақат меҳнат туфайлигина ҳис қила олиши мумкин.

М. МАЖИДОВА,
Қашқадарё области.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

БОҒБОН ҚАЛБИ

Бундан ўн йил муқаддам қозонхона машинисти Раимжон Мавлонов сменадан ташқари вақтларида корхона территориясини кўкаламзорлаштириш ташаббусини кўтариб чиққанди. Ҳиммати баланд кишигина шундай қилиши мумкин эди.

Бу ҳайрли ишда унга касбдошлари ёрдамлашишди. Унинг ўзи эса қувур орқали сув келтирди. Кетмон билан жўяк тортди, пушталарига олма, олхўри, чинор ва нок кўчатлари экди.

Ер ўзлаштириш давом этди. Икки йил деганда саноат қозонхонаси хўжалигининг атрофида ажойиб ҳиёбон пайдо бўлди. Раимжон ўз қўли билан эккан ниҳолларни меҳр билан парваришлаб, уйидан маҳаллий ўғит ташиб келтириб, уларга ишлов берарди.

Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Наманган шойи газламалар комбинати саноат қозонхонаси хўжалигининг атрофи бугун ўзгача. Бир гектардан мўлроқ жойда ям-яшил боғ. Баланд ишкомлар кўзга ташланади.

— Боғимиз янада кенгайяпти. Юринг, кўрсатай, — етаклайди бизни Раимжон ака Мавлонов. У билан янги ўзлаштирилган майдончаларга йўл олдик. — Мана бу ток қаламчаларини баҳорда эккан эдим. Нариги участкага олча ва нашвати ниҳолларини ўтказдим. Яшнаб ўсяпти. Диёримизни боғу бўстонга айлантириш — ҳаммамизнинг шарафли бурчимиз. Кўчат эксак, боғ яратсак, фақат ўзимизнигина эмас, келажак тўғрисида ҳам ўйлаган бўламиз.

А. РАСУЛОВ,
ЎзССР 50 йиллиги номли Наманган шойи газламалар комбинати кўл тиражли «Ишчи шарафи» газетаси ходими.

Суратда: Р. Мавлонов ўзи яратган боғда.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ХИМИКАТЛАРГА ЭЪТИБОР ШУМИ»

Газетамизнинг шу йил 28 апрель сонида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақолада Сирдарё, Тошкент ва Сурхондарё областлари хўжаликларида турли заҳарли химикатлар қаровсиз қолганлиги ҳаби фактлар очиб ташланган эди.

Ушбу танқидий мақола юзасидан тегишли областлар ижроия комитетларидан жавоблар олинди:

СИРДАРЁ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ: текширишда мақолада баён этилган фактлар тасдиқланди. Оқолтин районидаги «Партия XXIII съезди» совхозида заҳарли химикатлар очиқ ҳавода ташлаб қўйилганлиги, оқибатда уларнинг бир қисми бузилганлиги фактлари тўғри. Оқолтин район халқ контроли комитети мазкур масалани кўриб чиқиб, совхоз бош агрономи Қобуловга выговор эълон қилди ва заҳарли химикатларнинг бир қисмининг бузилишга йўл қўйганлиги учун ундан 125 сўм миқдорида пул ундириб олинди. Шунингдек, совхознинг катта агрономи Беҳжоновга ҳам 70 сўм жарима солинди.

Ильич районидаги Титов номли ва Узоқов номли совхозларда минерал ўғитларни сақлашда камчиликларга йўл қўйилган, натижада уларнинг бир қисми бузилган. Бош агрономлар Абдурасулов ва Муборакова қаттиқ огоҳлантирилдилар.

«Узсельхозхимия» область ва районлар бирлашмалари мутахассислари заҳарли химикатлар ва минерал ўғитлар сақланиши устидан қаттиқ назорат олиб бормоқдалар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ: мақолада келтирилган фактлар тўғри. «Химикатларга эътибор шуми?» мақоласи қишлоқ хўжалигига агрохимия хизмати кўрсатиш область ишлаб чиқариш бирлашмасининг кенгайтирилган Совети мажлисида муҳокама қилинди ва мақолада кўрсатилган нуқсонларни бартараф этиш бўйича конкрет тадбирлар белгиланди.

Колхозлар ва совхозларда, базаларда ва «Ташобласельхозхимия» область бирлашмаси қошидаги «Сельхозхимия» район бирлашмаларида химиявий воситаларнинг тўғри сақланиши ва улардан омилкорлик билан фойдаланиш мақсадида ишчи группаси тузилди.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ: мақолада келтирилган фактларни ўрганиш мақсадида комиссия тузилди. Текширишда мақолада кўрсатилган фактлар тасдиқланди.

Заҳарли химикатлар ва минерал ўғитларни ортиш-тушириш, сақлаш ва қўллаш масаласи «Сельхозхимия» область бирлашмаси советининг мажлисида кўриб чиқилди. Область бирлашмасига келтирилаётган химия маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва жойлаштириш тартибига келтирилди.

Шу билан бирга бош пудратчи «Самарқандтрансстрой» трести айби билан Ўчқизил станциясида заҳарли химикатларни сақлаш учун қурилаётган омборхона 1973 йилдан буён чўзилиб келаётганлигини ҳам маълум қиламиз.

Химиявий маҳсулотларнинг сақланишида камчиликларга йўл қўйганлиги учун область «Узсельхозхимия» бирлашмаси буйруғига кўра, «Узсельхозхимия» Термиз район бирлашмаси раиси Н. Жумаевга қаттиқ выговор эълон қилинди.

ТАНҚИД БУРЧАГИ

СУВ ЎРНИГА ВАЪДА

Аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжи, айниқса, ёз мавсумида ортиши маълум. Сув таъминоти шаҳримизда яхши йўлга қўйилган. Куйбишев районидаги Кавалерийская кўчаси, албатта, бундан мустасно. Чунки ёз бошланиши билан 43-, 45-, 47-, 49-уйларда водопровод кранларидан бир томчи ҳам сув келмайди. Ишдан кела солиб, қўшни Генерал Петров кўчасидаги кранлар олдида навбат кутамиз. Мутасадди ташкилотлардан эса сув ўрнига ваъда оляпмиз.

Юқоридаги уйда яшовчилар номидан:
С. ЖУМАНИЁЗОВ.
Тошкент шаҳри.

Жарқўрғон районидаги «Коммунизм» колхозида маккажўхори ўрими бошланди. Маккажўхоризорларда 6 та «Херсонец» комбайни юксак унумларда ишлатилмоқда. Маккажўхори ҳосилини йиғиштириб олиш йиллар синовидан ўтган Ипатово усулида олиб борилаётир.

Дастлабки янгилар чаккн эмас. Ҳар гектар ердан 100 центнердан «қаҳрабо дон» олиняпти. Бу пландагидан 40 центнер кўпдир. Суратларда: 1. Илғор механизаторлардан А. Худойқулов ва Қ. Хушбоқов. 2. Ўрим пайти.

И. Ҳўжаев фотолари (ЎзТАГ).

Муборак газ комплекси курилиши мухбирлар пункти

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ», «ПРАВДА ВОСТОКА» ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАР ПУНКТИНИНГ ЎН САККИЗИНЧИ АХБОРОТИ

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУНЛАР

Ишнинг ҳаммаси ҳам силлиқ кетавермади, мажбуриятда белгиланган суръатда ишлаш учун кўп куч-ғайрат сарфлашга тўғри келди. Буни ҳамиша ҳам уддалаб бўлавермади. Шундай бўлса ҳам Муборак газ комплексининг бирданига бир неча йирик объектлари маррага яқинлашиб қолди. Яқин фурсатда улар фойдаланишга топширилиши керак.

КОМПРЕССОР СТАНЦИЯСИ

Газ ҳайдайдиган бешта кучли машина заводдан газни қабул қилиб олиб магистралга жўнатади. Бу машиналарнинг ҳар бири бир суткада 11 миллион кубометр газ ўтказади. Компрессор хонадаги машина-ускуналар, шу жумладан турбокомпрессорлар, чанг тутувчи машиналар, ҳар хил бошқариш ва назорат қилиш приборлари қариб батамом монтаж қилиниб бўлди. Станцияга гидравлик синовлар ўтказиш учун сув берилди; пайванд чоклар билан изоляцияланган жойларнинг сифати текширила бошлади.

Мухбирлар пунктининг бундан олдинги хабарида «Узбектрансгаз» шаънига айтилган танқидий мулоҳазалардан сўнг шу бирлашманинг директори В. А. Ермашов Муборакка келди. Машина-ускуналарни қабул қилиб олувчи ишчи комиссиялар ишлай бошлади. Майдонда ишга тушириш ва созлаш хизматининг вакиллари ҳам пайдо бўлди.

Синаш ва ишларни қабул қилиш ҳеч тўхтамаслиги учун «Мубарекгазпромстрой» бош пудратчи трести ободонлаш ишларини тезроқ битириши керак.

ИККИНЧИ БЛОК

Созловчилар янги конлардаги ишларни тугаллаб заводга ўтмоқдалар. Мамлакатнинг турли чекаларидан яна «ишга тушурувчи усталар» етиб келиб қолди. Маҳсулот юборган завод вакиллари — волгоградлик оталиқ ёрдами бераётган монтёрлар Муборакда иш бошлаб юборишди.

Уларнинг ҳаммаси ҳозир энг муҳим участка — газни қайта ишлайдиган завод учинчи навбатининг иккинчи блокини монтаж қилиб тугатишляпти. Бир йилда 1,5 миллиард кубометр газни тозалайдиган установка қариб тайёр бўлди. Энди ўн кунликкина иш қолди. «Средазнефтегазмонтаж» тўққизинчи бошқармасининг ишчилари мураккаб трубалар системасини пайвандлаб бўлмоқдалар, энди уларни изоляция қилаётирлар, устига гилоф қопламоқдалар, сўнгги насосни йиғиб тайёрламоқдалар.

Ишчи комиссиялар монтаж қилинган машина-ускуналар ревизиясини бошлаб юборди. Қурилиш бригадалари ҳавода тортилган қувурларнинг сўнгги устунларини уч-тўрт кунда ўрнатиб чиқишга ваъда беришмоқда.

Иш шитоб билан бораётган бўлса-да, унинг тўхталиб қолиш хавфи ҳам йўқ эмас. Шу долзарб кунларда отпускалар графиги етарлича ўйлаб тузилмаганлигидан ишга туширилувчи объектда банд бўлган монтажчилар сони камайиб кетди. Ишлар икки сменада олиб борилмаяпти. Заррача қусур юз бердими, ишга тушириш муддатини орқага суришга тўғри келади...

Градирная янги секцияси учун ёғоч деталлар етишмаслиги ҳам ташвишланарли ҳолдир, бусиз газни тозаловчи ускуна ишлай олмайди. Тахиатош бинокорлик конструкциялари заводидан юборилган бу деталлар темир йўлнинг қаеридадир «адашиб юрибди».

БУҒ ҚОЗОНИ

Соатига 75 тонна буғ ҳосил қиладиган установка ишга тушириш ва созлаш операцияларига тахт қилиб қўйилди. Қозоннинг приборлари ва ускуналари электр тармоғига уланди. Яқин кунларда қозон ювила бошлайди, шундан сўнг уни қуритишади ва иситишади.

Бош пудратчи —«Узбекгидроэнергострой»нинг механизациялашган колоннаси қозон билан бирга ишлатилган буғ конденсация системасини ҳам топириши керак. Бу ерда ишлар кечикиб бажарилмоқда: кўтарувчи механизмлар тахчиллиги бунга сабаб бўлди. Бақувват крани бўлган Муборак заводи қурувчиларга ёрдам бериши керагу, лекин буни қилишга шошилмаётир. Ҳолбуки, вақт тиғиз. 10 августдан кечикмай ишлаб турган қозон давлат қабул комиссиясига топширилиши лозим.

ҚУЙИМОЗОР — МУБОРАК ҚУВУР АРИҒИ

Линия сувга тўлдирилди. Унда ҳамон қуввати оз «штатсиз» насослар турганлигидан Муборакка озгина бўлсада сув юбориш мумкин эди... Аммо хлораторлар монтажи ушланиб қолди. Электр тармоғига улашда ҳам жиддий қийинчиликлар вужудга келди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг штаби ўз мажлисида қувур ариқдаги пировард операцияларни гоятда тезлатиш конкрет чораларини белгилаб чиқди. 10 августдан кечиқмай бутун магистраль хлорлаштирилган сув билан ювиб чиқилиши керак. Бу иш лойиҳада кўзда тутилган насослар ёрдамида бажарилади.

КАМЧИЛИКЛАР ЙЎҚОТИЛСИН

Муборак комплексининг қурувчилари камчиликларга қарши қатъиян кураш эълон қилдилар. Бундай камчиликлар эса оз эмас. Қувур ариқ бўйлаб алоқа йўлга қўйилмаган, Баъзи жойларда доимий устунлар ўрнида муваққат устунлар турибди. Қувурларни коррозиядан ҳимоллайдиган электрохимик қурилмалар кечикмоқда. 10—15 метр канализация қувурини ётқизиш унутилган...

Бу ердаги ўзаро юксак талабчанлик, танқид ва ўзаро ёрдам вазияти мана шу камчиликларни кўпчилик бўлиб йўқотишга ёрдам бермоқда.

ТАНҚИДДАН СЎНГ

Муборак ишчиларини озиқ-овқат билан таъминлаш бирмунча яхшиланди. Сабзавотлар сотила бошланди. Ишловчилар пиёз, олма, қовун-тарвуз харид этмоқдалар. «Союзузбекгазпром»нинг ишчи таъминоти бошқармаси Тошкентдан янги ҳосил картошкасини етказиб келтирди. Макарон ва кондитер маҳсулотлари, консерва, тузнинг сунъий «тақчиллиги» тўхтади. Аммо ҳамон нима учундир, масалан, пахта ёғи етишмаслиги тўғрисида гап юрибди. Ҳолбуки, республикада бу нарса етарли, таъминотчиларнинг «бочка ёғ келтириш қийин, шиша ёғ фондлари оз» деган гаплари баҳона бўла олмайди. Илғор қурувчилар ва монтажчилардан ўрнак олинса, бу қийинчиликларни бемалол бартараф этиш мумкин.

Қашқадарё областининг савдо ташкилотлари Муборакка озиқ-овқат, кунда керак бўладиган бошқа зарур молларни ҳамон етарлича етказиб беролмаяпти. Матбуотда неча бор ёзилганлиги ва қурувчиларнинг мурожаатларига қарамай, ишчи таъминоти бўлимларига ажратилган фондлар тўла-тўкис берилмаяпти.

Афтидан бу ишга республика Савдо министрлиги билан Қашқадарё область партия комитети аралашишига тўғри келадиган кўринади. Муборак меҳнаткашларининг таъминоти яхшиланиб боряпти-ю, лекин уни тезлатиш керак.

М. КАРОМОВ,
Ю. КРУЖИЛИН,
В. ПЕТРОВ,
В. ШУМАИЛОВ.

Дала ишлари кундалиги

СИФАТЛИ ОЗУҚАНИ КЎПАЙТИРАЙЛИК

Республикамизнинг кўпгина колхоз ва совхозлари беданинг тўртинчи ўримини бошлаб юбордилар. Сурхондарё области хўжаликларида умумий майдоннинг тўртдан уч қисмидаги ҳосил ўриб олинди. Ленин райони тўртинчи ўримни тугатиб, мавжуд 2951 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 175 центнердан, Гагарин райони эса 1438 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 167 центнердан озуқа йиғиб олди.

Озуқа тайёрлаш планларини Қашқадарё области 123, Сурхондарё области 118, Самарқанд области 106, Тошкент области 104 процент бажариб, ўтган ҳафтада ҳам ўримда юксак кўрсаткичларга эришдилар ва социалистик мажбурият ҳисобига озуқа тайёрлашни давом эттирмоқдалар. Бундай ютуққа озуқа жамғарувчи махсус бригада ва звеноларнинг ишини яхши йўлга қўйиш, техникадан унумли фойдаланиш ва ўримда прогрессив технологияни қўллаш орқали эришилди.

Ўзбекистон Марказий статистика бошқармасининг маълумотига кўра, шу йил 27 июлгача республикамизда 5,2 миллион тонна дағалхашак, шу жумладан 2,4 миллион тонна сенаж тайёрланиб, йиллик план 92 процентга етказилди. Сенаж бостириш плани ошириб бажарилди.

Шу билан бирга қатор областлар, кўпгина районлар ва хўжаликларда тайёрланаётган озуқалар талабга жавоб бермаётир. Фарғона областида озуқа тайёрлаш плани 63 процентни ташкил этиб, ҳафталик ўсиш 2 процентга етди холос. Сирдарё областида эса план 68 процент бажарилиб, ҳафталик ўсиш 4 процент бўлди. Андижон, Наманган ва Хоразм областларида ҳам озуқа тайёрлашнинг суръати паст.

Кўпгина область ва районларда экиладиган ўт пичани тайёрлашга эътибор сўст. Пичан тайёрлаш плани Фарғона области хўжаликларида 29 процентга бажарилди холос. Хоразм областида бу кўрсаткич 35, Бухоро областида 51 процентга етди. Самарқанд области пичан тайёрлаш планини 58 процент, Нарпай, Иштихон, Пастдаргом районлари эса 29—35 процент бажардилар. Чорва рационида сенаждан ташқари пичан ҳам асосий компонентлардан ҳисобланади. Шунинг учун беданинг юқори сифатли пичан тайёрлаш ва уни сақлашга алоҳида эътибор зарур.

Андижон, Бухоро, Жиззах ва қатор областларнинг кўпгина районларида ҳали беданинг тўртинчи ўримига киришилгани йўқ. Беданинг ўз вақтида ўриб олинмаслигига барҳам бериб тўртинчи ўримни тезда тугаллаш зарур. Барча агротехник талбирларни ўз вақтида ўтказиш, бедани ўз вақтида суғориш, пичан ва витамин уни учун бедадан яна камида икки марта ҳосил олишга эришмоқ керак.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XIV пленуми қарори асосида гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни кўпайтириш учун бу йил камида ҳар бир хўжалик ўтган йилдагига қараганда 30 процент кўп озуқа тайёрлаши зарур. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, мутахассисларига фермаларни етарли озуқа билан таъминлашда партия ташкилотлари томонидан қатъий талабчанлик лозим.

Маккажўхори ўрими ва кўкпояни силосга бостиришни тезлатиш озуқа тайёрлашда зарбдор участкалардан бири ҳисобланади. Сурхондарё областида ўтган ҳафта давомида 125 минг тонна силос бостирилди. Бу йиллик планнинг 35 процентига тенг. Лекин бошқа областларда маккажўхори ўрими ва силос бостириш ниҳоятда сўст олиб борилмоқда. Бу ишни тезлатиш учун пахта йиғим-терими бошлангунга қадар ишчи кучи ва транспорт воситаларидан иложи борича унумли фойдаланиш керак. Шу билан бир қаторда ишнинг ҳамма қонун-қоидаларига риоя қилиш, сифатли силос олиш технологиясини бузмаслик лозим. Силос бостиришда карбамиддан фойдаланиш керак.

Чорва маҳсулотларини кўпайтириш ва донли озуқаларни иқтисод қилишда витаминли ўт уни, донадор ва брикетланган озуқалар ҳисобига мол ва парранда-ларни витаминли, оқсили кўп бўлган озуқалар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Республика бўйича 100 минг тоннага яқин ана шундай озуқа тайёрланди. Бу планнинг 55 процентини ташкил этиши билан ўтган йил шу давридагига нисбатан 15 минг тонна кўпдир. Қашқадарё ва Самарқанд областлари витаминли озуқа тайёрлашни 90 процентга бажардилар. Бу даврга келиб Қорақалпоғистон автоном республикасида бу кўрсаткич 14 процентга етди холос. Хоразм ва Фарғона областлари планни 32—35, Наманган, Сирдарё ва Андижон областлари 42—47 процент бажардилар. Аҳволни яхшилаш зарур. Беданинг ҳар бир ўримидан фойдаланиш, хом ашёнинг бошқа ҳамма манбаларини жалб қилиш, АВМ ва ОГМ агрегатларининг тўхтовсиз ишлашини таъминламоқ лозим. Бунда ишнинг кўп томони республика «Госкомсельхозтехника» органларининг фаолиятига боғлиқ. Улар хўжаликлардаги мавжуд техника ва агрегатларга техник хизмат кўрсатишни яхшилашлари ва уларнинг юксак унумдорлигини таъминлашлари керак.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

СОВЕТ ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИ ГДРда

КПСС Марказий Комитети секретари, СССР Олий Совети депутати И. В. Капитонов бошчилигида расмий дўстона визит билан ГДРга борган СССР Олий Советининг делегацияси 30 июлда республика машинасозлигининг катта маркази Эрфурт шаҳрига борди.

Совет Иттифоқидан борган меҳмонлар округ кенгашининг раҳбарлари, ГДР Халқ палатасининг депутатлари, депутатлар округ ва район маслисларининг аъзолари билан самимий учрашдилар. Эрфурт округи кенгашининг раиси Р. Готе халқ ҳокимияти маҳаллий органларининг иши тўғрисида, ГБСП X съезди қарорларини амалга оширишда меҳнаткашларнинг актив иштироки ҳақида гапириб берди.

Эрфурт округ кенгаши совет парламент аъзолари делегацияси шарафига зиёфат берди. И. В. Капитонов зиёфатда гапириб, самимий қабул қилиб олганликлари учун немис дўстларга сидқидилдан миннатдорчилик билдирди, уларни саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар билан қутлади.

Совет Иттифоқидан борган меҳмонлар шаҳар бўйлаб сафар қилдилар, унинг янги уй-жой кварталларини кўздан кечирдилар. Меҳмонлар юз гектар майдонни эгаллаган халқаро богдорчилик ва сабзавотчилик виставкаси «Ига» павильонлари ва гулхоналарида бўлдилар.

Н. БАБИКИН,
ТАСС мухбири.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

СОФИЯ:

ОЛИМЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Болгария Фанлар академиясининг илмий секретари М. Минков ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: социалистик мамлакатларнинг Фанлар академиялари Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг социалистик иқтисодий интеграциясини янада чуқурлаштириш вазифаларини ҳал этадиган тадқиқотларда муҳим роль ўйнамоқда.

Ўтган беш йилликда, деб таъкидлади у, Болгария Фанлар академияси биология, физика, химия, техника, ижтимоий фанлар соҳасида 80 дан ортиқ мавзуни ишлаб чиқишда катнашди. СССР Фанлар академияси, иттифоқдош республикаларнинг фанлар академиялари ва Совет Иттифоқининг айрим институтлари тахминан 50 мавзуни ишлаб чиқишда Болгария Фанлар академияси билан биргаликда бевосита қатнашди.

ВЬЕНТЬЯН:

КООПЕРАТОРЛАР МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

Халқ Лаосида қишлоқ хўжалик кооперативларининг сони ортиб бормоқда. Масалан, мамлакатнинг шимолида тоғ этагидаги Удомсай вилоятида ўтган уч йил мобайнида 90 та шундай хўжалик вужудга келтирилди. Қишлоқда меҳнатни коллектив ташкил этишнинг афзалликлари яққол кўриниб турибди. Удомсай вилоятининг кооператорлари бу йил давлатга ўтган йилдагидан анча кўп шоли сотдилар.

(ТАСС).

ПХР СЕЙМИНИНГ СЕССИЯСИ

30 июлда Варшавада Польша Халқ Республикаси сеймининг сессияси очилди. Давлат ҳокимияти олий органининг депутатлари ҳукуматнинг кризисни бартараф этиш ва мамлакат экономикасини барқарор қилиш программасини, шунингдек бошқа масалаларни кўриб чиқадилар.

(ТАСС).

САЙЛОВЛАР КЕЧИКТИРИЛДИ

Бангладеш марказий сайлов комиссияси мамлакатда президент сайловларини ўтказиш муддатини илгари белгиланган 21 сентябрдан шу йилнинг 15 октябрига кўчирди.

Бангладеш ҳукмрон миллатчи партиядан президентликка номзод қилиб президент вазифасини ижро этувчи Абдус Саттор кўрсатилди. Яна икки номзод маълум бўлди. Булар мусулмонлар иттифоқидан Хон Абдус Сабур билан мустақил номзод Кхважа Вафиддиндирлар.

Франс Пресс агентлигининг хабар қилишича, Бангладешдаги президент сайловлари оппозициядаги сиёсий партияларнинг талабларига биноан кечиктирилган.

(ТАСС).

СССР—Ҳиндистон:

ДЎСТЛИК — ХАЛҚ АНЪАНАСИ

СССР БИЛАН ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА ТИНЧЛИК, ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМАНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

Бхиладаги (Ҳиндистоннинг Мадхья Прадеш штати) металлургия комбинати дарвозаси рўпарасидаги ёдгорликка шу сўзлар ўйиб ёзиб қўйилган: «Бизнинг дўстлигимиз Бхилаи пўлатидек мустаҳкам бўлиб қолсин». Бу комбинат СССРнинг иқтисодий ва техникавий ёрдами билан қурилган эди. Шу сўзларнинг муаллифи мустақил Ҳиндистоннинг биринчи бош министри Ж. Нерудир. У Совет Иттифоқи билан самарали ҳамкорликни Жанубий Осиёдаги энг йирик давлат бўлмиш ўз мамлакати ташқи сиёсатининг негизи, деб ҳисоблади. Кўп миллионли ҳинд халқи Ҳиндистон озодлиги ва тараққиёти учун атоқли курашчи Ж. Нерунинг васиятига содиқ бўлиб қолди.

Мамлакат шу кунларда СССР билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида тузилган шартноманинг 10 йиллигини тантанали вазиятда нишонлашга тайёрланмоқда. 1971 йил 9 августда имзоланган бу тарихий ҳужжат ҳар икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш учун кенг истиқболлар очиб берди, иккиталамонлама муносабатларни тараққиётнинг сифат жиҳатдан янги, янада юксак босқичига кўтарди, деди Ҳиндистон — Совет маданият жамияти миллий кенгашининг бош секретари С. Нараянан ТАСС мухбири билан суҳбатда. С. Нараянан Совет Иттифоқи билан дўстлик ҳаракати Ҳиндистонда чинакам умумхалқ ҳаракати тусини олди, деб таъкидлади. Ана шу жамият оммавий ташкилот бўлиб, ҳозирги вақтда мамлакатнинг ҳамма қисмида икки мингдан ортиқ бўлимлари бор.

Ҳиндистонда ҳар йили уюштириладиган дўстлик ойлари ҳамиша муваффақиятли ўтади. Дўстлик ойларида миллионларча ишчилар, деҳқонлар, хизматчилар, студентлар, мактаб ўқувчилари қатнашадилар. Август—сентябрда ўтказиладиган ойлик доирасида мамлакатнинг ҳамма қисмида шартноманинг 10 йиллигига ва республика мустақиллигининг 34 йиллигига бағишлаб оммавий митинглар, йиғилишлар, семинарлар, конференциялар, кинофестиваллар, фотокўргазмалар уюштирилади. Анъанага кўра, совет жамоатчилигининг вакиллари шу тантаналарга таклиф этилади. Бу йил дўстлик ойлигини ўтказишга тайёргарлик жуда ҳам кенг тус олиб кетди, деб уқтириб ўтди С. Нараянан.

Деҳли, Калькутта, Бомбей, Мадрас ва Тривандрамда ишлаётган совет маданият жамиятлари Ҳиндистон билан СССР ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

СССР билан дўстлик ҳаракати Ҳиндистонда 40 йил илгари вужудга келди. Уша пайтда Ҳиндистоннинг улуғ ёзувчиси Рабиндранат Тагорнинг ташаббуси билан мамлакатда Совет Иттифоқи дўстлари жамияти вужудга келтирилди. Ҳиндистон халқига мурожаат қилиб жаҳонда биринчи бўлган ва фашист агрессиясини даф қилган социалистик давлатга ёрдам бериш учун маблағ тўплашга даъвати — бу жамиятнинг биринчи тадбири бўлди.

Совет Иттифоқи дўстлари жамияти бу йил яна тикланди. Деҳлида бу ташкилотнинг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Ҳиндистон бош министри И. Ганди конференцияда сўзлаган нутқида бундай деди: Ҳиндистонда СССР билан дўстлик ҳаракати қадимий тарихга эга. Биз ҳозирги кунда ҳам Совет Иттифоқи билан дўстлигимиз туфайли фахрланамиз. Ғарбдаги муайян кучлар шу дўстлигимиз учун бизни танқид қилишга уринмоқдалар. Бу кучлар тамомила ўзларининг таъсирида бўлишимизни истайдилар. Аммо СССР билан дўстлигимиз шу жиҳатдан ҳам муҳимки, бу дўстлик бошқа мамлакатларга қарши қаратилмаган. Совет Иттифоқи тинчликсевар давлатдир. Бу давлат Осиё, Африкадаги ва бошқа қитъалардаги кўп мамлакатларга беғараз ёрдам бермоқда. Ҳиндистон буни ўз тажрибасидан яхши билади. Совет Иттифоқи мустақил экономикани, аввало оғир саноатни ривожлантиришда бизга бебаҳо ёрдам берди. Бхилаи, Бокородаги улкан металлургия корхоналари, Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи биргаликда қурган бошқа объектлар бунинг ёрқин далилидир

Буларнинг ҳаммаси чуқур маънога эгадир. Мисол учун Хардварни олиб кўрайлик. Ҳиндистоннинг шимолида Ҳимолой тоғи этакларида жойлашган ана шу кичик шаҳардан азим Ганг дарёси бошланади. Неча минглаб ҳиндлар зиёрат қилиш учун ҳар йили шу дарё соҳилига келадилар. Аммо ҳозирги кунда Хардвар бошқа жиҳати билан ҳиндларнинг кўпчилигига машҳурдир. Шаҳар яқинида Осиёда энг йирик корхоналардан бири, деб ҳисобланган оғир электр машина-ускуналари заводининг корпуси қад кўтарди. Ана шу энг янги корхона СССРнинг ёрдами билан қурилди. Завод ишлаб чиқараётган маҳсулот — турбо ва гидроагрегатлар, конденсаторларга республикада талаб қатта. Ҳиндистон диёрида Совет Иттифоқининг кўмаги билан саноат, қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларида жами 70 дан ортиқ объект вужудга келтирилди ёки қурилмоқда. Бу объектларнинг 50 га яқини тўла ёки қисман ишга туширилди. Саноат ва қишлоқ хўжалигида, илмий-техника ва маданий алоқалар соҳасида СССР билан Ҳиндистоннинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Ҳиндистоннинг таниқли сиёсий ва жамоат арбоблари ҳар икки мамлакат халқларининг манфаатларини кўзлаб СССР билан дўстликни ҳар томонлама мустаҳкамлашга даъват этмоқдалар. СССР билан яқин муносабатлар бундан ўн йил муқаддам тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномада мустаҳкамлаб берилган эди. Бу муносабатлар Осиёда ва бутун жаҳонда тинчлик ҳамда барқарорликнинг муҳим омили, деди Совет Иттифоқи дўстлари жамиятининг бош секретари К. Р. Ганеш. Замонамиздаги актуал проблемалар юзасидан ҳар икки давлат позицияларининг муштараклиги ёки бирбирига ўхшашлиги кескинликни юмшатиш душманларининг агрессив кирдикорларига қатъий зарба беришга интилаётганлигини тасдиқлайди. Кескинликни юмшатиш душманларининг ана шу кирдикорлари милитаристик тайёргарликни кучайтириш, инсониятни ядро ҳалокатига дучор қилиш билан тахдид туғдираётган халқаро можароларни иғвогарлик мақсадида кенг кўламда вужудга келтиришни кўзда тутади. АҚШ ва иттифоқиларининг қуролланиш пойгасини авж олдириш ва «совуқ уруш» даврига қайтишдан ҳаммадан авантюристик йўли натижасида халқаро вазият кескинлашган ҳозирги даврда душманларнинг кирдикорларига зарба бериш жуда муҳимдир.

КПСС Марказий Комитети Бош Секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг 1980 йил декабрь ойида расмий дўстлик визити билан Деҳлига борганлиги ҳар икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни кучайтиришга ёрдам берган янги қудратли омил бўлди. Бу визит СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг мазмунини бойитди, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга анча ёрдам берди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида: «Совет—Ҳиндистон дўстлиги ҳар икки мамлакатимизда мустаҳкам томир ёйган халқ анъанаси бўлиб қолди», деган эди. Ҳеёт бу сўзларнинг тўғрилигини яққол тасдиқламоқда.

С. СПИЦИН,
(ТАСС мухбири).
ДЕҲЛИ.

МУҲАММАД ФАРҲОД ОЗОД ҚИЛИНДИ

ДАККА. (ТАСС). Бангладеш Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Муҳаммад Фарҳод бир йилдан кўпроқ вақт турмада азоб чекиб ётганди. У туҳмат билан қамоққа олинган эди. Муҳаммад Фарҳод озодликка чиқди. Аммо М. Фарҳод гаровгагина озод қилинди. Унга қарши тўқилган сохта, уйдирма айблар ўз кучини сақлаб қолади. Бангладеш Компартияси Марказий Комитети Бош секретарининг «иши» Бангладеш олий судида яна кўриб чиқилиши керак.

(ТАСС).

БОШПАНА БЕРИЛДИ

Франция маъмурлари Эроннинг собиқ президенти Банисадрга сиёсий бошпана бердилар У 29 июль куни эрталаб Париж яқинидаги Эвре ҳарбий аэродромига қўнган самолётда Францияга келди.

Франция ташқи алоқалар министрлигининг баёнотида айтилишича, Банисадрга у Франция территориясида сиёсий фаолият билан шуғулланмаслиги керак деган шарт билан сиёсий бошпана берилди. Банисадр июнь ойида Эрон парламенти томонидан давлат бошлиғи лавозимидан четлатилгандан сўнг ғойиб бўлганди.

* * *

Эрон собиқ президент Банисадрни ушлаб беришни Франция ҳукуматидан талаб этди.

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

МИННЕСОТАДА КАТТА ЗАБАСТОВКА

Миннесота штатининг бир қанча шаҳарларида муниципал ишчи ва хизматчиларнинг иш ташлаши икки ҳафтадан берн давом этмоқда. Иқтисодий аҳволни яхшилашни талаб қилиб бошланган бу иш ташлашда 16 минг ишчи қатнашмоқда. Бу — штатнинг бутун тарихида мана шу категориядаги меҳнаткашларнинг энг катта иш ташлашидир.

Маъмурлар штатда амал қилувчи реакцион қонунларни рўкач қилиб, иш ташлашни ғайри қонуний деб эълон қилдилар. Аммо меҳнаткашлар бундай лўттибозликни рад қилиб, ишга чиқишдан бош тортмоқдалар. Миннесота хўжалигининг бир қанча бошқа тармоқларидаги касаба союз ташкилотлари меҳнаткашларнинг бу курашини қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

(ТАСС).

ПЕКИН КЕСКИНЛИКНИ КУЧАЙТИРМОҚДА

Хитой Вьетнам Социалистик Республикасининг шимолий чегараларида қуролли иғвогарликларни ҳамон давом эттирмоқда.

Кейинги ўн сутка давомида, деб хабар қилади ВИА агентлиги, Хитой қўшинлари ўзлари босиб олган ВСР территориясининг бир қанча участкаларини эгаллаб туравердилар, Лангшон, Хатуен, Хоанглиеншон ва Каобанг вилоятларидаги чегара районларини тўп ва миномётлардан кўп марта ўққа тутдилар.

Бу ҳаракатлар натижасида кўпгина уй-жойлар, граждан иморатлари вайрон бўлди, экинларга ва бошқа қишлоқ хўжалик майдонларига талай-гина зиён етказилди. Хитой томони, дейилади сўнгра ахборотда, ВСРнинг чегара районларида нормал турмушни издан чиқариш ва доимий кескинликни вужудга келтириш мақсадида Вьетнам аҳоли пунктларига мунтазам суратда оғир миномётлардан снаряд ёғдириб турибди.

Хитой қўшинларининг бўлинмалари Вьетнам территориясига бостириб кириб, далаларда ишлаб турган тинч аҳолига қарата ўт очдилар, чорва моллари ҳайдаб кетдилар, озиқ-овқат запасларини тортиб олиб, йўлларни миналаштирдилар, деб уқтиради ВИА агентлиги. Вьетнам халқ армияси билан чегара районларининг аҳолиси, деб таъкидлайди агентлик, агрессорларга қатъий зарба бермоқдалар.

(ТАСС).

ЗИЛЗИЛА ҚУРБОНЛАРИ

ТЕҲРОН, 31 июль. (ТАСС). Сўнгги маълумотларга кўра Эроннинг Карман вилоятида рўй берган кучли зилзила қурбонлари ҳозиргача минг кишидан ошиб кетди. Теҳрон радиосининг хабар қилишича, Карман шаҳридан 40 километр нарида жойлашган Сирж аҳоли пункти табиий офатдан айниқса кўп шикастланди. Қутқариш отрядлари шу ернинг ўзидагина босиб қолган уйлар остидан 700 дан зиёд кишининг жасадини олиб чиқишди. Кўшни Шолод қишлоғида 500 дан 600 гача киши ҳалок бўлган деб тахмин қилинмоқда. Гулбоф, Жўшон, Чоҳор, Андижард аҳоли пунктлари ҳам қаттиқ зарар кўрди.

Карман вилоятининг генерал-губернатори шу тоғли район аҳолисини қамида ярим вайронавор остига кўмилиб қолганлигини айтди. Унинг сўзларига кўра ҳалок бўлганлар сони тахминан салкам 4 минг кишига бораді.

Эрон соғлиқни сақлаш министри Мачаҳи, шунингдек оятилло Ҳумайнининг қутқариш ишларига раҳбар қилиб тайинланган вакили бугун зилзила районига келишди.

Офатзеда районнинг бошпанасиз қолган аҳолисига озиқ-овқат, кўрпа-тўшак, чодирлар ва бошқа зарур буюмлар билан ёрдам бериш тўғрисида мамлакат аҳолисига қилинаётган даъватлар Теҳрон радиоси орқали эшитгирилмоқда.

Зилзила зонасида ер ости силкинишлари ҳамон сезилиб турибди.

МОСКВА—МОСКВА:

САНЪАТ ЭСТАФЕТАСИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕКИСТОН ССР АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ МОСКВАДА МИЛЛИЙ САНЪАТ ЮТУҚЛАРИНИ НАМОЙИШ ҚИЛДИ. 29 ИЮЛЬ КУНИ ПОЙТАХТДА ШУ ТЕАТРНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ.

Москваликлар труппанинг гастроль афишасига киритилган асарларга зўр қизиқиш билан қарадилар. Жаҳон классикасининг энг яхши намуналари, халқ турмушининг ёрқин манзараларини тасвирлайдиган ва ижодий изланиш, юксак ижрочилик маҳорати сезилиб турган спектакллар пойтахт томошабинларининг қалбини ром этди.

— Ўзбекистон Катта театрининг артистлари билан учрашув саҳна санъати мухлисларига зўр қувонч бахш этди,— деди РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби профессор Н. Эльяш. — Тошкент труппасининг ғоявий-бадиий программаси ёрқин ва ишонарлидир: труппа Ватан ва жаҳон классикаси дурдонаси репертуарини тўлдира бориб, миллий асарларни саҳналаштириш устида актив ишламоқда, ўзининг ижодий услубини ишлаб чиқишга интилмоқда.

Труппа кўрсатган спектакллар республика санъатининг ўтмиши ва бугунги кунини ўзига қамраб олган. Биз биринчи миллий опера — 1939 йилда ёш ўзбек композитори М. Ашрафий энг кекса рус музикачиларидан бири С. Василенко билан ҳамкорликда ёзган «Бўрон» операсини тингладик. Опера қўрқмас жангчилар характерларини акс эттирди, ўзбеклар билан русларнинг оғир синов йилларида, кескин кураш ва зафарли йилларда мустаҳкамланган дўстлигини яққол кўрсатди.

Спектакль авторлари — дирижер Д. Абдурахмонова, постановкачи режиссёр Ф. Сафаров, балетмейстер Г. Измайлова, рассом Г. Брим кўп миллатли совет санъати хазинасини ҳақиқатан ҳам бойитган асар яратдилар.

Гастроль афишасида муносиб ўринни олган «Пётр Биринчи» операси миллий маданиятлар ажойиб ҳамдўстлигининг ёрқин далили бўлди. Мамлакатимиз турли халқларининг намояндалари бўлган санъаткорлар ана шу спектакль устида иш олиб бордилар. Москваликлардан Н. Каткина билан В. Васильев либреттосига ленинградлик композитор А. Петров басталаган талантли асарни театрнинг бош режиссери Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, озарбайжон Ф. Сафаров, театрнинг бош дирижери, СССР халқ артисти, ўзбек музикачиси Д. Абдурахмонова, бош роль ижрочиси — СССР халқ артисти украин В. Гринченко Тошкент саҳнасида мужассамлаштирдилар. Совет санъати интернационал характерининг рамзи бўлиб қолган «Пётр Биринчи» операси театрнинг шубҳасиз муваффақиятидир, деб ҳисоблайди Н. Эльяш. «Ижодий коллектив — деб таъкидлади профессор, — Пётрнинг музикали портретини кенг ва серқирра қилиб тасвирлабгина қолмай шу билан бирга у яшаган даврнинг мураккабликлари ва зиддиятларини кўрсатиб, Россия давлатининг тарихий қарор топишида ватанпарварлик мавзуини ҳам таранним эта олган. Ўзбек театри ўз дирижерлари, истеъдодли қўшиқчилари, аъло даражада тайёрланган хори билан фахрлана олади.

Гастроль программасига киритилган «Флория Тоска» ва «Дон Карлос» спектакларига қараб коллективнинг юксак касб маҳоратига баҳо бериш мумкин. Тошкент труппасининг ана шу асарлари тингловчиларга гоят зўр эстетик завқ бағишлайди.

Театрнинг машҳур балериначи, СССР халқ артисти Г. Измайлова бошчилигидаги балет труппаси ҳам Москва томошабинлари ҳузурида катта ва хилма-хил репертуарни намойиш қилди. «Анна Каренина» ва «Севги достони», «Оламнинг яратилиши» ва «Дон Кихот», «Уйқудаги гўзал» ҳамда «Севги ва шамшир» асарлари мароқ билан қутиб олинди. Ана шу спектакллардаги бош партияларни ўзбек саҳнасининг машҳур усталари билан бир қаторда, уларнинг яқинда труппага қўшилган ёш ҳамкасблари ижро этдилар. Опера-балет жанрида яратилган «Тоҳир ва Зуҳра» спектакли муваффақият қозонди. Абадий барқарор севги тўғрисидаги поэтик афсонанинг ажойиб негизи бўлган ёрқин, ранго-ранг ўзбек миллий музикаси тингловчиларга манзур бўлди. Спектаклнинг рақс номерлари миллий руҳда ва жўшқин ижро этилган.

Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР академик Катта театрининг бу галги гастроллари ўзига хос шу коллектив ижодий камолот палласини бошидан кечираётганлигини жуда яққол исботлади, деб ҳисоблашмоқда Москва танқидчилари.

Москва саҳнасига чиқиш биз учун катта шараф ва айни вақтда жуда зўр масъулиятдир, деди театрнинг бош дирижери, СССР халқ артисти Д. Абдурахмонова. — Биз томошабинлар билан яхши мулоқот ўрнатэ олганлигимизни мамнуният билан қайд этаман. Москваликлар бизни ниҳоятда зўр самимий ва шодхуррамлик билан қабул қилдилар. Спектакларимизни намойиш қилиш чоғида ССР Иттифоқи Большой театрида ва Кремлнинг Съездлар саройида янграб турган қарсаклар эса биз учун энг қимматли мукофотдир.

О. СВИСТУНОВА,
ТАСС мухбири.

ТЕЛЕВИЗОР ҲАФТАЛИГИ

3—9 АВГУСТ

3 АВГУСТ. МОСКВА. МТ-I. 9.00 — Время. 9. 40 — Гимнастика. 10.05 — Болалар учун фильм. 12.15 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Пионер ёзи йўллари бўйлаб. 16.50 — Мураббий. 17.20 — Телестадион 17.50 — Ямайканинг мустақиллик кунига. 18.30 — Сиз яратган боғ. 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Халқ оҳанглари. 19.35 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга 20.05 — РСФСРда хизмат кўрсатган артист Б. Феоктистов чалади. 20.20 — Синдикат-2 Бадиий фильм. 4-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Ўзбекистон ССР А. Навоий номли давлат академик опера ва балет театри артистларининг Останкино концерт студиясидаги концерти. 22.45 — Дунё воқеалари. 23.00 — Останкино концерт студиясидаги концертнинг давоми.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильмлар. 10.45 — Халқ талантлари. 11.25 — П. Мериме. Венера Ильская. РСФСР халқ артисти В. Лановой ўқийди. 12.05— Москва ва москваликлар. 12.35 — Уйда ҳеч ким йўқ. Бадиий фильм 1-6 сериялари. 13.30 — Ёшлар адреслари. 14.30 — Ҳужжатли фильм. 15.20 — Камондан отиш бўйича СССР чемпионати. 16.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 17.00 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Халқаро панорама. 20.15 — Енгил атлетика. Кўпкураш. СССР — АҚШ. 21.00 — Ҳужжатли фильм. 21.15 — Мультфильм. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати. 23.45 — Росита Форнест куйлайди.

ТОШКЕНТ. I. 18.20 — Қўғирчоқ фильм. 18.30 — Мактаб ўқувчилари учун. 19.00 — Ёшлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Татар халқ қўшиқлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Фильм-концерт. 21.15 — Озуқа ишлаб чиқариш резервлари. 21.30 — Время. 22.05 — Ойбек. Қутлуг қон. Видеофильм. 1-серия 23.10 — Оламда нима гап?

ТОШКЕНТ. II. 18.40 — Болалар учун фильм. 18.55 — Барчага таниш номаълум киши Бадиий фильм. 1-серия. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Дала шийпони идеологик ишнинг марказ. 20.45 — Енгиндан эҳтиёт бўлинг. 21.15 — Фильм-концерт.

4 АВГУСТ. МОСКВА. МТ-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Синдикат-2. Бадиий фильм. 4-серия. 11.10 — Таллин оҳанглари. 11.20 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Илмий-оммабоп фильмлар. 16.15 — Болалар учун фильм. 17.30 — Биргаликда аҳил оиламиз 18.00 — Буратино кўргазмаси 18.30 — Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари. 19.00 — Қувнок нотачалар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Афғонистоннинг оддий кунлари. 19.50 — СССР халқ артисти З. Сотклава концерти. 20.20 — Синдикат-2. Бадиий фильм. 5-серия 21.30 — Время. 22.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати «Динамо» (М) — «Динамо» (Тб) Тапаффус пайтида дунё воқеалари.

МОСКВА. IV. 9.00 — Время 9.45 — Ҳужжатли фильмлар. 10.45 — Мультфильмлар. 11.15 — Концерт. 12.00 — Уйда ҳеч ким йўқ. Бадиий фильм. 7—14-сериялар. 13.15 — Қўшиқларимиз парвоз эт. 14.15 — Ёш келин-куёвлар телевизион клуби. 15.30 — Одамларга керак бўлиш зарур. 16.25 — Камондан отиш бўйича СССР чемпионати. 17.00 — Поэзия. 17.40 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Инсон, ер, коинот. 20.15 — Концерт. 21.05 — Илмий-оммабоп фильм. 21.15 — Тунингиз ҳайрли бўлсин. кичкинтойлар. 21.30—Время. 22.05—Манеж қироли. Бадиий фильм. 23.15 — Совет композиторларининг асарлари.

ТОШКЕНТ. I. 11.30 — Қўғирчоқ фильм. 11.50 — Ханжар. Бадиий фильм. 1-серия. 13.00— Ҳужжатли фильмлар. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ҳамма нарсани билишни истайман. 19.00 — КПСС XXVI съезди қарорлари ҳаётга. 19.30 — Ахборот. 19.45 — СССР халқларининг куйлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Инсон ва замин. 22.30 — Ойбек. Қутлуг қон. Видеофильм. 2-серия.

ТОШКЕНТ. II. 18.40 — Болалар учун фильм. 18.50 — Ёшлик. 19.20 — Барчага таниш номаълум киши. Бадиий фильм 2-серия. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Шифокор экрани. 20.50 — Ишчилар академияси. 21.20 — Фильм-балет.

5 АВГУСТ. МОСКВА. МТ-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Синдикат-2. Бадиий фильм. 5-серия. 11.10 — Мультфильм. 11.25 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — Рус тили. 16.50 — Объектив 17.20 — Концерт. 17.55 — Горнчилар, қаердасиз!. 18.25 — Шахмат мактаби. 18.35 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Очиқчасига гап. 20.00 — Фильм-балет 20.20 — Синдикат-2. Бадиий фильм. 6-серия. 21.30 — Время 22.05 — Концерт. 22.45 — Дунё воқеалари. 23.00 — Концерт 23.35 — Ҳужжатли фильм.

МОСКВА. IV. 9.00 — Время 9.45 — Ҳужжатли фильмлар 10.45 — Хор концерти. 11.05— Мураббий. 11.35 — Мунозара клуби. 12.35 — Болалар учун фильм. 13.25 — Концерт. 14.15 — Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади. 14.45 — Камер куйларидан концерт. 15.15 — Фан ва техника. 15.25 — Сизга манзур шеърлар. 15.55— Концерт. 17.10 — Ҳужжатли фильмлар. 19.30 — Цирк майдонида. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.55 — Фильм-концерт. 21.15 — Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Нефтчи» (Баку). 23.45 — И. Штраус асарлари.

ТОШКЕНТ. I. 11.30 — Қўғирчоқ фильм. 11.50 — Ханжар. Бадиий фильм. 2-серия. 13.00— Мактаб ўқувчилари учун эшитириш. 13.30 — Бобом Килиан ва мен. Бадиий фильм. 18.20— Мультфильм. 18.30 — Тенгдошларинг ижоди. 19.00 — Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ҳужжатли фильм. 21.05 Адабий театр. 21.30 — Время. 22.05 — Бутун куч—гўза парваришига. 22.25 — Ойбек. Қутлуг қон. Видеофильм. 3-серия. 23.30 — Оламда нима гап.

ТОШКЕНТ. II. 18.40 — Қўғирчоқ фильм. 18.55 — Барчага таниш номаълум киши. Бадиий фильм. 3-серия. 20.00 —Янгиликлар. 20.20 — Реклама. 20.35 — Транспорт ва пиёда 21.05 — Ярим соат классик куйлардан.

6 АВГУСТ. МОСКВА. МТ-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Синдикат-2. Бадиий фильм, 6-серия. 11.15 — Ҳужжатли фильм. 11.40 — Қалбга яқин қўшиқлар. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.30 — Шамол эсадиган томонда Телеспектакль, 1-қисм. 17.55— Экономика тежамли бўлиши керак. 18.05 — Концерт. 18.45 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Хоккей: ЦСКА — «Брюнес» (Швеция). 21.30 — Время. 22.05 — Мусоргский ватанида. 22.50 — Дунё воқеалари. 23.05 — Ҳужжатли фильм. 23.25 — Концерт.

МОСКВА. IV. 9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильмлар 10.45 — Мультфильмлар. 11.15 — Горнчилар, қаердасиз! 11.45 — Асли болаликдан. 12.30 — Жаҳон халқларининг ижоди. 13.00 — Болалар учун фильм. 13.55 — Кучлилар, довюраклар, эпчиллар. 14.40 — Фильм-концерт. 15.45 — Звездочёт. 16.30 — А. Наседкин чалади. 17.00 — Декабристлар ҳақида ҳикоялар. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — Телевизион музикали фильм. 21.15 — Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время 22.05 — Ўйиннинг ўзи шунақа. Бадиий фильм. 23.40 — Л Шемчук куйлайди.

ТОШКЕНТ. I. 11.30 — Қўғирчоқ фильм. 11.50 — Ханжар. Бадиий фильм, 3-серия. 13.00 — Қувнок пионер ёзи. 13.30— Қандай бўлмасин. Бадиий фильм. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ёшлик. 19.00 — «Заногори экран» почтаси. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Меҳнат резервлари. 20.30 — Ахборот 20.50 — Рояль олдидаги суҳбатлар. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.25 — Қутлуг қон Видеофильм, 4-серия.

ТОШКЕНТ. II. 18.40 — Қизиқувчилар экрани. 19.20 — Барчага таниш, номаълум киши. Бадиий фильм, 4-серия. 22.00 —Янгиликлар. 20.20 — Фильм-концерт.

7 АВГУСТ. МОСКВА. МТ-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 10.35 — Ўйиннинг ўзи шунақа. Бадиий фильм. 12.10 — Ҳужжатли фильм. 12.35 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 15.40 — Концерт. 16.05 — Шамол эсадиган томонда. Телеспектакль. 2-қисм. 17.35 — Ҳужжатли фильм. 18.00 —Концерт. 18.30 — Москва комсомолининг ишлари. 19.00 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Халқ ижодиёти. 20.10 — Фан оламида 20.40 — Узоқ ёзнинг алангаси. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05—Хоккей. ИФК (Финляндия) — ЦСКА. Танаффусда — Дунё воқеалари.

МОСКВА. IV. 9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильмлар. 10.45 — Концерт. 11.05 — Д Дефо ва унинг «Робинзон Крузо» китоби. 11.35 — Советлар ва ҳаёт. 12.05 — Мультфильм 12.30 — Болалар учун фильм. 13.45 — Битирувчилар билан учрашув. 15.05 — Қадимий санъат ёдгорликлари. 15.35 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — И. Н. Ульянов. 16.50 — Илмий-оммабоп фильмлар. 17.15 — Филъм-концерт. 19.30 — Арфа горлари жаранглайди. 19.40 — Уч, икки, бир, ноль... 20.30 — Фильм-концерт. 21.15 — Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Фаварит. Бадиий фильм, 1—2-сериялар.

ТОШКЕНТ. I. 11.30 — Фильм-концерт. 11.50 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 12.20 — Телебадиий фильм. 13.25 — Ҳужжатли фильмлар. 14.00 — Замандас. 18.20 — Мультфильмлар. 18.30 — Ёшлик. 19.00 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.05 — Кишиларга бахт ҳадл этиб. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Дунё воқеалари. 22.35 — Қутлуг қон. Видеофильм, 5-серия.

ТОШКЕНТ. II. 18.40 — Болалар учун фильм. 19.00 — Салом, ойижон. Телефильм. 19.30 — Эзги отпускалар даври. 22.00 — Янгиликлар. 20.20 — Изланишлар ва муаммолар. 21.05 — Фильм-портрет.

8 АВГУСТ. МОСКВА. МТ-I. 9.00 — Время. 9.40 — АБВГДейка. 10.10 — Ста-оналар, Сизлар учун. 10.40 — Камалак. 11.05 — Денгиз ёқасидаги музей. 11.25 — Сиз бунга қодирсиз. 12.15 — Концерт. 15.50 — Спортлото. 13.00 — Ҳамдўстлик. 13.30 — Телевизион фильм. 14.30 — Дунё воқеалари. 14.35 — Канокерлик болалар. 16.10 — Бугун Бутуниттифоқ физкультурачилар куни. 16.25 — Концерт. 16.45 — Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 17.15 — Мультфильмлар программаси. 17.45 — В. Ересько чалади. 18.05 — Ҳайвонот оламида. 19.05 — Фильм-спектакль. 20.30 — Кроссворд. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Динамо». 24.00 — Янгиликлар.

МОСКВА. IV. 9.00 — Время. 9.40 — Фан оламида. 10.10 — Тонгги почта. 11.00 —Шахмат мактаби. 11.30 — Ёш келин-куёвлар телевизион клуби. 12.50 — Оналар мактаби. 13.30 — Фильм-спектакль. 16.05 — Ҳаётга йўлланма. 16.50 — Мусикали киоск. 18.20 — Қизил скрипка. Бадиий фильм. 19.45 — Халқ оҳанглари. 20.00 — Ҳужжатли фильмлар. 20.30 — Здоровье. 21.15 — Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳаммаси бўлиб уч ҳафта. Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

ТОШКЕНТ. I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Болалар учун фильмлар. 10.45 — Мактаб ўқувчилари учун. 11.20 —Сакраш ҳуқуқи. Бадиий фильм. 12.55 — Сиҳат-саломатлик. 13.25 — Ёшлик. 18.20 — Қўғирчоқ фильм. 18.40 — Концерт. 19.10 — Пахтакорларнинг шу кунги муҳим вазифалари. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ёшлик ва гўзаллик байрами. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Қўшиқ айтган етар муродга. 21.30 — Время. 22.00 — Концерт. 22.50 — Ойбек. Қутлуг қон. Видеофильм. 6-серия.

ТОЖИКИСТОН. 18.00 — Душанба кўрсатувлари.

9 АВГУСТ. МОСКВА. МТ-I. 9.00 — Время. 9.45 — Будильник. 10.15 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.15 — Здоровье. 12.00 — Тонгги почта. 12.30 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан. 12.45 — Қишлоқ янгиликлари. 13.45 — Хоккей бўйича Европа чемпионларининг кубоги. 15.45 — Яхши ном. 16.15 — Музикали киоск. 16.45 — Киносаёҳатчилар клуби 17.45 — Бугун — қурувчилар куни. 18.00 — Табрикларимизни қабул этинг. 18.45 — Халқаро панорама. 19.30 — Мультфильм. 19.45 — «Боне Деякс» квартети куйлайди. 20.20 — Ташланди бола. Бадиий фильм 21.30 — Время. 22.05 — Кинопанорама. 23.35 — Янгиликлар.

МОСКВА. IV. 9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильмлар. 10.55 — Камалак. 11.20 — Рус тили. 11.50 — АБВГДейка 12.20 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 13.20 — Қарағайлар нега кўз ёши тўкди... Бадиий фильм. 14.40 — Лўлилар қўшиқлари ва рақслари. 15.55 — Аниқликка саёҳат. 16.05 — Шукуҳ ва қашшоқлик. Бадиий фильм. 3-серия. 17.30 — Концерт. 17.50 — Голиблар. 19.20 — Вақтинча вазифани бажарувчи. Бадиий фильм. 20.45 — Ота-оналар, Сизлар учун. 21.15 — Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.00 — Спорт программаси. 23.45 — Регби бўйича СССР чемпионати.

ТОШКЕНТ. I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Мактаб ўқувчилари учун. 11.00 — Ўзбекистон республика қўғирчоқ театрининг спектакли. 12.20 — Шахмат мактаби. 12.50 — Тўй қўнғироқлари. Бадиий фильм 14.45 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 15.15 — Реклама. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Биз қувнок ва шодон яшаймиз. 19.00 — Бугун — қурувчилар куни. 19.30 — Ахборот 19.45 — Фильм-балет. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ака-ука Ваҳобовлар куйлайди. 21.30 — Время. 22.05 — Рассом Р. Аҳмедов. 22.55 — Ойбек. Қутлуг қон. Видеофильм. 7-серия.

ҚИРҒИЗИСТОН. 16.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10 00 — Синдикат-2 Бадиий фильм. 3-серия. 11.05— АБВГДейка. 11.35 — Ота-оналар, сизлар учун. 12.05 — Камондан отиш бўйича СССР чемпионати. 12.35 — Камалак. 13.00 — Спортлото. 13.10 — Учрашувлар. 13.55 — Концерт. 14.40 — Мультфильм. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 16.15 — Архитектура. Олимпиада иншоотлари. 16.45 — Фақат оролни ўзинг билан олиб кетмайсан. Бадиий фильм. 17.50 — Ҳужжатли фильм. 18.05 — Сиёсий шарҳловчи В. Бекетов суҳбати. 18.35 — Фильм-концерт. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 20.15 — Кўз олдингда намоён бўламан. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол. СССР — «Атлетико» (Мадрид).

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телеминиатюралар. 10.55— Цирким севмай бўладими. 11.40 — Ёшлик. 12.40 — Қорли ўлка нафаси. Бадиий фильм. 14.10 — Шахмат мактаби. 14.40 — Телефильм. 15.00 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 18.20 — Мультфильм 18.30 — Қувноқлар даврасида 19.00 — Замондан ўзиб. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Совет Ўзбекистони композиторлари. М. Бурхонов. 21.30 — Время. 22.00 — Совет Ўзбекистони композиторлари (давоми). 23.20 — Ҳужжатли фильм.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.50 — Душанба кўрсатувлари.

ТАБИЙИЙ ОФАТДАН СЎНГ

Воқеа содир бўлган жойдан репортаж

Хива — кўҳна ва навқирон шаҳар. Унда Хоразм меъморчилик санъатининг нодир ва такрорланмас намуналари сақланиб қолган. Заповедник — шаҳарга жаҳоннинг узоқ-яқин бурчакларидан сайёҳлар келиб турибди. Бу ердаги тарихий ёдгорликлар кишиларни ҳайратга солса, янги Хиванинг бугунги кўркам жамоли дилларни мафтун этади.

Бу йилги баҳорда Хоразм воҳасида юз берган табиий офатлар Хивани ҳам аямади. Аммо инсон иродаси табиат қийинчиликларидан устун келди. Партия ва ҳукуматнинг ёрдами, умумхалқ жасорати туфайли сел оқибатларини тезроқ тугатиш учун қисқа вақт ичида катта ишлар амалга оширилди.

1981 йилнинг 21 июлида обҳаво яна айнади: кўкни қалин булут қоплаб, кечки соат 10 минути кам 6 да ёмғир шаррилаб қуябошлади ва қарийб 2,5 соат тўхтовсиз сел ёғди, шундан сўнг ҳамма ер ҳалқоб бўлиб шаҳар бамисоли сув узра қалқиб қолгандай бўлди. Момақалдироқ гулдураб заминга ларза солди. Кўчалар кўлга ўхшаб кетди. Уйжойларга ва жамоат биноларига сув кирди.

Шаҳарнинг Ичанқалъа, Заповедник қисмидаги талайгина архитектура ёдгорликлари сел хамласига учради. Уларни зарарланишдан сақлаб қолиш учун шошилинч чоралар кўриш зарурлигини вазият тақозо қиларди.

Бутун шаҳар оёққа турди. Кексаю ёш ҳамма офатга қарши курашга отланди. Дархол район партия комитети бюроси чақирилиб табиий офат оқибатларини тугатиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди. Шаҳар ва район ижроия комитетларида оператив штаблар тузилиб кечасию кундузи ишлаб турди. Урганч шаҳридан, область районларидан одамлар ва техника воситалари зудлик билан ёрдамга етиб келишди. Айниқса санитария тозалаш идораси, коммунал хўжалик ва ёнгиндан сақлаш бўлинмаларининг ходимлари, қурувчилар ва транспортчилар жасорат намуналарини кўрсатдилар. Водовозлар,насослар ишга солинди ва сувни шаҳардан ташқарига чиқариб тўкиш, ариқ-зовурларга оқизиб юборишчоралари тезкорлик билан амалга оширилди.

Табиий офат рўй бергандан буён бирнеча кун ўтди, холос. Лекин сел оқибатларини тугатиш йўлида жуда кўп иш қилинди. Бошпанасиз қолган кўпгина хонадон ҳунар-техника билим юрти ётоқхонаси билан Киров номли мактаб биносига жойлаштирилди. Кўпгина оилалар палаткалар билан таъминланди. Кўпгина оилага давлат страхованиеси йўли билан 37 минг сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди. Шикастланган иморатларни ремонт қилиш учун аҳолига 11 минг дона шифер, минг кубометрга яқин ёғоч-тахта, 1300 та фанер, 215 тонна цемент етказиб берилди.

Селдан энг кўп зарар кўрган гилем комбинати халқ хашари йўли билан икки кун ичида сувдан тозаланди, цехлар тўла қувватда ишлабошлади. Шаҳарда ҳозир электр, газ, водопровод, алоқа тармоқлари иши нормал изга тушди. Тарихий обидаларни кўз қорачиғидай асраб келаётган хиваликлар уларни сел натижасида зарарланишдан омон сақлашда алоҳида жонбозлик кўрсатишди. Тошховли комплекси, Кўҳна арк, Саидалоуддин, Амир Тўра ва Юнусхон мадрасалари сел натижасида тўпланган сувдан батамом тозаланди. Уларни ремонт қилиш учун сметалар тузилиб зарур маблағ ажратилди. Бухоро ва Самарқанддан реставраторлар Хива ёдгорликларини таъмирлаш учун ёрдамга келишди.

Биз куни кеча Хивада бўлиб, табиий офат оқибатларини тугатиш бўйича тузилган комиссиянинг раҳбари — Хива шаҳар ижроқомитининг раиси Эркин Қурбонов билан суҳбатлашдик. У шаҳарда ва райониннг қишлоқ жойларида сел оқибатларини тугатиш соҳасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида гапириб берди.

— Республика партия ва ҳукумати Хивада юз берган табиий офат оқибатларини тугатишда бизга жуда катта моддий ёрдам кўрсатмоқда. Ҳосилобод микрорайонида йўлдош шаҳар — Янги Хива бунёд этилади. Аҳолига участка ажратиб бериш билан бирга якка тартибда ва кооператив йўли билан уй-жой қуришда амалий ёрдам кўрсатмоқдамиз.

Хуллас, қадимий Хива янада яшаради ва гўзаллашади.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Эшон Аъзамович ОДИЛХЎЖАЕВ

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг ректори, 1944 йилдан КПСС аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, фахрий темирйўлчи, профессор Эшон Аъзамович Одилхўжаев шу йил 31 июль куни 60 ёшида бевақт вафот этди.

Э. А. Одилхўжаев 1922 йили Тошкент шаҳрида туғилди. 1944 йили Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтини тугатгандан сўнг шу институтда илмий ва педагогик ишда бўлди.

1955 йили техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди. 1954 йилдан бошлаб институт қурилиш факультетининг декани, кейинчалик илмий ишлар бўйича институт проректори, 1973 йилнинг май ойидан бошлаб эса институт ректори бўлиб ишлади.

Э. А. Одилхўжаев студентлар ва бутун коллектив ўртасида ўқув жараёни ва тарбиявий ишларни яхшилаш учун кўп меҳнат ва қобилиятини сарфлади.

Принципиаллик, ўзига ва коллективга юксак талабчанлик, катта ташкилотчилик қобилияти унга хос эди. Жамоат ишларида актив қатнашди. Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Ленин район партия комитети аъзолигига, Ленин район халқ депутатлари Совети депутатлигига бир неча марта сайланди.

Инженер кадрларни тайёрлашдаги, илмий тадқиқотларни бажариш ва ишлаб чиқаришга амалий ёрдамлар кўрсатишдаги катта хизматлари учун Э. А. Одилхўжаев Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Халқлар дўстлиги ордени, икки марта «Ҳурмат Белгиси» ордени, медаллар ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг уч бор Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Ўзбекистонда олий таълимнинг ташкилотчиларидан бири, йирик мутахассис Эшон Аъзамович Одилхўжаевнинг ёрқин хотираси уни билганлар қалбида абадий сақланиб қолади.

Бир группа ўртоқлари.

АВГУСТ ОБ-ҲАВОСИ

ЎРТА ОСИЁ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Август—ёз фаслининг охирги ойи. Ўртача ойлик ҳарорат июлга нисбатан 2—3 даражэ паст келса ҳам, ҳамон иссиқ бўлиб туради. Термометр симоби 23—26, республиканинг жанубий районларида 28 даражадан пастга тушмайди.

Августда ўртача ойлик ҳарорат нормага яқин, Бухоро области ва Фарғона водийсида нормадан 1 даража кам бўлади. Биринчи ўн кунликнинг охирларида ва иккинчи ўн кунликнинг бошларида ҳароратнинг кўтарилиши 36—41, жанубда ва Бухоронинг чўл районларида 43 даража, кечаси 22—25 даража иссиқ бўлади.

Ойнинг ўрталари ва охирларига бориб ҳарорат бир оз пасаяди, кечалари 9—14, кундузи 24—29, жанубда кечаси 12—17, кундузи 30—35 даража иссиқ бўлади. Қолган вақтларда кечаси 15—20, кундузи 29—34, жанубда кечаси 16—21, кундузи 34—39 даража бўлади.

Ой давомида ҳавонинг кам булутли бўлиб туриши, ёғинсарчилик бўлмаслиги кутилади. Фақат тоғли районлардагина вакти-вакти билан қисқа муддатли емғир ёғади. Умуман намгарчилик миқдори нормадан кам бўлади. Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё областларида эса намгарчилик нормага яқин бўлиши кутилади.

СПОРТ

★ **УНИВЕРСИАДА.** Руминия пойтахтида Бутунжаҳон студент ёшларининг спорт ўйинлари — «УНИВЕРСИАДА-81» бахслари якунланди. Совет ёшлари жами 111 та медални қўлга киритишди. Бунинг 38 таси олтин, шунчаси кумуш ва 35 таси бронза медалидир. Мусобақада республикамизнинг тўрт спортчиси ҳам муваффақиятли иштирок этди. Жумладан, сузувчи Сергей Заболотнов иккита олтин медалли бўлди. Классик кураш устаси Комил Фатхулин Универсиаданинг кумуш медалини қўксига тақди. Қиличбоз Игорь Лукачер команда ҳисобида кумуш медали бўлди. Енгил атлетикачи Владимир Черников еттинчи ўринни эгаллади.

★ **ЕНГИЛ АТЛЕТИКА.** Ленинградда ака-ука Знаменсийлар хотираси совғини учун ўтказилган мусобақада фарғоналик О. Сафаров 400 метрга югуриб (46,22 секунд) иккинчи ўринни эгаллади.

★ **ЧИМ ХОККЕЙ.** Шяуляй ва Горький шаҳарларида аёллар олий лига командалари мамлакат чемпионатининг навбатдаги тур ўйинларини тугатишди. «Андижанка» қизлари беш ўйиндан учтасида ғалабага эришиб, 21 очко билан уч